Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 108 (20. 375) • 1989 йил 7 май, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Амалий ёрдам

Шаҳар яқинидаги Самарқанд районни хўжаликларига дастлабки ёрдам: омон қолган ўсимликларни озиқлантириш учун маҳаллий химия заводидан минерал ўғитлар, ёнилғи ортилган автомашиналар етиб келди.

— Бу совуқ тушиши туфайли полизлар, боғлар ва узумзорларга етказилган иқтисодий зарарни бирмунча қоплашга имкон беради, — деди «Самарқанд» агрокомбинати раисининг биринчи ўринбосари Р. Қодиров. — Унча-мунча зиён кўрганимиз йўқ: у салкам 20 миллион сўмни ташкил этади.

Барча деҳқонлар ҳозир ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Резервларни ғайрат билан қидириб топмоқдалар. Ҳосил олишга ҳеч қандай умид қолмаган «Москва», «Ленин байроғи» колхозлари ва бошқа хўжаликлар боғлари ҳамда токзорларида улар орасига сабзавот экишмоқда. Теплицаларда кўчат етиштириш учун сабзавот уруғлари экила бошланди.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

АЗОН ҚАТЛАМИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ ТУГАДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 5 май. ТАСС мухбири Александр Сурнков хабар қилади: Азонни парчаловчи моддалар тўғрисидаги 1987 йил Монреал протоколини имзолаган ва ратификация қилган 81 давлат ҳукуматлари вакилларининг бу ердаги кенгаши тугади, унда «Азон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида Хельсинки декларацияси» қабул қилинди.

Декларацияда анжуман қатнашчиларининг атмосферанинг азон қатламини парчалайдиган моддалар — хлорфторуглеродлар (ХФУ) ишлаб чиқариш ва ишлатишни имкони борича тезроқ, аммо кечи билан 2000 йилгача босқичма-босқич тўхтатишга розилиги изҳор этилган.

Кенгаш қатнашчилари азон қатламига зиён етказадиган химиявий моддаларнинг ўрнини босадиган экология жиҳатидан мақбул моддалар ишлаб чиқишни жадаллаштириш мажбуриятини олдилар, ривожланаётган мамлакатларнинг тегишли илмий ҳоборотдан, тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланишларини осонлаштириш, миллий кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳақида келишиб олдилар. Шу мақсадда махсус ишчи группа тузилиб, унга азонга хатарсиз бўлган технологияга ўтишда ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш воситаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Декларация текстини Финляндия ҳукумати ишлаб чиққан эди. Шу мамлакатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш министри Кай Берлунд бу ҳужжатнинг якдиллик билан қабул этилишини сиёсат бобидаги катта ютуқ деб, дунё мамлакатларининг жаҳоншумул муаммоларни биргаликдаги куч-ғайратлар билан ҳал этишга азму қарор берганликлари далили, деб баҳолади.

ИСТЕЪФОДАГИ ГЕНЕРАЛЛАР ВА АДМИРАЛЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Америка пойтахтида Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларининг истеъфодаги генераллари ва адмираллари конференцияси тугади. Конференция «Янги ҳарбий тафаккур — АҚШ ва СССР учун» шиори остида ўтди.

Учрашув қатнашчилари кенг доирадаги ҳарбий-сиёсий масалаларни муҳокама қилдилар, тинчлик ва қуролсизланишнинг энг муҳим муаммолари хусусида ўз фикрларини баён қилиб бердилар.

Анжуман давомида Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари ҳозирги давр халқаро муносабатларининг ривожланишида янги саҳифа очганлиги ҳамда Ер юзида тинчликни сақлаб қолишга, ғоят қимматга тушаётган ҳарбий ҳаражатларни қисқартиришга умид қилиш имконини берадиган вазиятни вужудга келтиришга кўп жиҳатдан ёрдам бераётганлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди. (ТАСС).

ПРЕЗИДЕНТ МУЗОКАРА БОШЛАШНИ РАД ЭТДИ

АҚШ президенти Ж. Буш яқин кунларда Европадаги тактик ядро қуролларн хусусида музокора бошлаш тўғрисидаги таклифни рад этди.

Оқ уйнинг матбуот секретари М. Фицуотернинг маълум қилишига қараганда, Америка президенти чоршанба куни Норвегиянинг бош министри Г. Харлем Брундтланд билан учрашувда «тактик ядро қуролларн хусусида Совет Иттифоқи билан музокара бошлаш хато бўлур эди» деган. Буш НАТОнинг тактик ракета-ядро кучлари «тез жавоб қайтариш» стратегиясининг муҳим элементи бўлиб, уни «замонавий даражада сақлаб туриш лозим» деб ҳисобламоқда ва шу хусусдаги ўзининг «қатъий позициясини» тасдиқлади.

(ТАСС).

«Космос—2019» парвозда

1989 йилнинг 5 май куни Совет Иттифоқида элтувчи ракета «Союз» ёрдамида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—2019» учирилди.

(ТАСС).

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ МАРДОНАВОР ЕНГАМИЗ

✦ Кутилмаган совуқ ҳаво бу йилги ҳосил пойдеворига жиддий путур етказди. Рўй берган вазият сизу биздан саросимага тушмай, қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш йўлида мардона меҳнат қилишни талаб этади.

✦ Чигит, сабзавот кўчатлари ва уруғлари қайта экиладиган ерларни пухта ҳозирлаб, муҳим агротехника тадбирларининг юксак уюшқоқлик билан ўтишини таъминлайлик!

✦ Мавжуд техника, ишчи кучларидан самарали фойдаланиш дала ишлари суръати ва сифатида муҳим омилдир.

✦ Далада меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари билан бирга мароқли дам олишларини ҳам таъминлаш партия, совет, хўжалик раҳбарларининг биринчи даражали иши бўлсин!





СУВ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

✦ — Табиий офат республика хўжаликларини сув билан таъминлашга таъсир қиладими? ЎзТАГ мухбири республика Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети суғориш системаларидан фойдаланиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Т. ПЕРНАБЕКОВга ана шундай савол билан мурожаат қилди. Саволга бундай жавоб олинди:

— Юз берган табиий офат экинларни сув билан таъминлашдаги оғир вазиятни янада қийинлаштирди. Чунки деярли барча экинларни қайта экишга, бунинг учун ерларни суғоришга тўғри келади. Бундай ишлар ҳозироқ бошлаб юборилди. Экиш муддатларининг тиғизлиги ерларга жуда тез сув беришни талаб қилмоқда ва шу сабабли сув кўп сарфланяпти.

Мана, 5 май эрталаб олинган маълумот: Бухоро областида лимитда белгиланган 125 кубометр ўрнига ҳар секундда суғориш учун 136 кубометр сув олинмоқда. Қашқадарё областида 160 кубометр ўрнига 286 кубометр сув олиняпти. Тошкент областида лимитда белгиланган 181 кубометр ўрнига 282 кубометр, Фарғона областида 131 кубометр ўрнига 188 кубометр сув сарфланмоқда. Хоразм области эса ҳар секундда лимитдаги 132 кубометр ўрнига 224 кубометр сув сарфламоқда. Чунки, Хоразм областидаги шоликорларга сув қўйила бошланди. Бутун республикада вазият ана шундай. Лекин заруратюзасидан кўп сув сарфланмоқда, акс ҳолда қайта экилган уруғ униб чиқмаслиги мумкин. Шу сабабли биз «Сирдарё» ва «Амударё» ҳавза сув хўжалиги бирлашмаларига мурожаат қилиб, 10 майгача ана шундай графикка рухсат этишни илтимос қилдик. Унга қадар қайта экилган уруғликни ундириб олиш учун шарт-шароит яратилади.

— 30 апрель ва 1 май кунлари об-ҳаво ўзгарган вақтда қандайдир оператив чоралар кўрилдими?

— Чора кўрилди, албатта. Оғир вазият сезилиши биланоқ хўжаликларга сув беришни кескин камайтириш тўғрисида буйруқ берилди. Чунки ёғингарчилик кўп бўлганда ва совуқда ортиқча нам экинларнинг аҳволини қийинлаштиради. Иккинчидан, шу вақтда ҳамма экинтикин ташвишида бўлиб, сув бекорга оқарди. Биз эса бундай исрофгарчиликка йўл қўя олмаймиз.

— Сув камчиллиги тўғрисида иккинчи марта гапираяпсиз. Йил учун қандайдир фаразлар мавжудми?

— Суғоришда қийинчиликлар кўп бўлади. Гидрометеорология хизматининг таъкидлашича, бу йил ўртача йиллик норманинг 65-75 процентн миқдорида сув бўлади. Тоғларда қор кам, бунинг устига республиканинг катта территориясида баҳор қуруқ келди. Бунинг натижасида апрель ойида анча сув сарфлаб қўйилди. Шу вақтгача биз кичик дарёлар ва кўллар сувидан фойдаланиб, Сирдарё ва Амударёнинг 200 миллион кубометр сувини тежаб қолган бўлсак, ўтган ойда тежалган сувнинг ҳаммасини ва яна 350 миллион кубометр сувни ерларни суғоришга сарфладик. Хуллас, ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган музокара механизми мулоқотнинг узлуксизлигини таъминлаб турсин, хуллас, униб чиққан ишонч ва ҳамкорлик ниҳоли дўстона муносабатлар дарахтига айлансин.

Биз Японияга қилинадиган визит масаласига ҳам шу нуқтаи назардан қараймиз, деди М. С. Горбачев. Бу визит зарур ва ишчанлик руҳида ўтиши керак. У муносабатларимизнинг яна бир поғонасини билдиради. Келгуси йилнинг бошларида бу мавзуга аниқ-равшан тарзда қайтишни таклиф этаман.

Суҳбатда Осиё — Тинч океани муаммолари ҳақида гаплашилди. М. С. Горбачев суҳбатдош икки масала хусусида изоҳ беришини сўради. Биринчидан, Совет Иттифоқи ўзининг қуролсизланиш соҳасидаги принципиал йўлини амалга ошириб, мамлакатнинг шарқий қисмидаги ҳарбий қудрати даражасини пасайтираётган бир шароитда Япония АҚШ билан биргаликда региондаги ўз ҳарбий қудратини ва ҳарбий активлигини тинимсиз ошириб бораётганини қандай изоҳлаш керак?

Иккинчидан, бизнинг Владивосток ва Красноярск ташаббусларимизда изҳор этилган эзгу ниятларимизга Қўшма Штатлар каби Японияннг ҳам жуда совуқ муносабатини қандай тушунмоқ керак? Бу ташаббуслар дунёнинг буюк ва истиқболли регионидаги барча давлатларга етилган ва ҳамма учун муштарак бўлган масалаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашга қилинган таклиф-ку. Излаганда ҳам, ҳеч қандай камситишларсиз, ҳеч кимни яхлаб ўтмай, айниқса, Япония ва АҚШ каби жуда катта давлатларни четлаб ўтмай, ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олиб излашни таклиф этяпмиз. Хўш, биздан нимани гумонсирамоқдалар?

Бу саволларга жавоб берилгани йўқ. С. Уно Япония Осиё — Тинч океани регионидаги, жумладан, Жанубий-Шарқий Осиёдаги мамлакатларни тинч ривожлантириш мақсадида ўзининг қудратли иқтисодий потенциалидан фойдаланаётганлиги тўғрисидагина гапирди. Менинг мамлакатим милитарист давлат бўлиш ниятида эмас, деб ишонтирди ва бу гапни бир неча бор такрорлади.

У М. С. Горбачевнинг Японияга визити мавзуига бир неча марта қайтди, япон халқи билан, унинг сиёсий вакиллари билан бундай учрашув, олий даражадаги музокаралар Япония — Совет муносабатларининг шундан кейинги бутун ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ишонч билдирди.

Пировардида М. С. Горбачев совет халқи номидан япон халқига ҳурмат туйғуларини ва муносабатларни яхши қўшничилик принциплари асосига қуриш тилагини топширишни илтимос қилди.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе, Япония ташқи ишлар министрлиги департаментининг бош директори Т. Того, элчилар Н. Н. Соловьев ва Т. Мутo ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

АҲВОЛ ЎНГЛАНМОҚДА

Қашқадарёликлар табиий офат оқибатларини тугатиш ишларини қизғинлб юборишди. Улар зарар кўрган майдонларга бир ҳафта ичида экин экиб бўлишга аҳд қилдилар.

Нишон районидаги Беруний номли 33-совхознинг Н. Илёсов бошлиқ бригадасининг 40 гектар майдондаги ниҳоллари чинбарг чиқара бошлаган эди. Ўсимлик қатор оралари байрам арафасида дастлабки культивациядан чиқарилганди. Тунги изилларган совуқ қўриқ хўжаликнийг бошқа пайкалларидаги каби бригаданинг баравж ниҳолларига ҳам зиён етказди.

Чўлқуварлар бу фалокатдан саросимага тушмадилар. Ҳамма имкониятларни ишга солиб, қайта чигит экишга, қолган тупларни сақлаб қолишга киришдилар.

Иккинчи майга ўтар кечаси об-ҳавонинг совуқ келиши деҳқонларга қўшимча ташвиш туғдирди. Қарши метеорология станциясидан хабар қилишларича, областнинг тоғли районларига анчагина қор ёққан, ҳаво 8 даражага совиган. Қўриқ районларда ҳарорат 5 даража совиганлиги қайд этилган.

Боғ-роғлар, сабзавот майдонлари ва ғўза ниҳолларини совуқ урган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 132 минг гектар ердаги ниҳолларга жиддий зиён етказилган. Косон, Қарши, Чироқчи, Усмон Юсупов районларининг 70—80 процент ғўза ниҳоллари совуқдан зарар кўрган. Кўпгина колхоз ва совхозлардаги тут дарахтлари барги ҳам сўлиб қолди.

Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ районлари боғдорчилик хўжаликларида мева ва сабзавот экинлари катта талофат кўрди. Ленин номли, Будённий номли, «Коммунист», «Паландара», «Қишлик» совхозларига қарашли боғ-роғларнинг 85 процентигача, сабзавот экинларининг 56 процентигачаси табиий офатдан зарарланди.

— Деҳқонларимиз табиат инжиқликларига ўрганиб қолишган, — дейди Ғузор район партия комитетининг биринчи секретари Х. Раҳмонов. — Улар тушкунликка тушмай рўй берган фалокатнинг олдини олишга киришдилар. Қисқа вақтда 8 минг гектар ернинг хатосига, 2 минг гектар ерга қайта чигит экамиз. Униб чиққан майдонлардаги ниҳолларни сақлаб қолиш учун улар ёнига уруғ ташлаймиз.

Бошқа районларда ҳам ҳаракат шундай бўляпти. Аҳволни баҳолаш ва тузатиш мақсадида область партия комитетида фавқулодда йиғилиш чақирилди. Обком секретари Т. Хидиров раҳбарлигида махсус штаб тузилди. Вазиятни бутунлай ўнглаб олиш юзасидан партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, агросаноат комплекси мутахассислари билан кенгашилди. Республика пойтахтидан ёрдам кутиб ўтирмасдан ишга киришиш, техника ва ишчи кучларидан омилкорлик билан фойдаланган ҳолда чигитни бир ҳафтада экиб бўлишга келишиб олинди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШИЖОАТ КЎРСАТИБ

Арнасой районидаги Василевский номли совхоз деҳқонлари бу йил барча майдонларга чигитни ўз вақтида экиб, ундириб олишганди. Бироқ байрам арафасида юз берган табиий офат уларнинг меҳнатини чиппакка чиқарди. Айниқса, Наримон Пардахонов бошлиқ бригада далалари кўп зиён кўрди. Коллектив аъзолари руҳларини туширмай, қийинчиликларни мардонавор енгишга ҳаракат қилишяпти. Улар ниҳолларни асраб қолиб, баъзи майдонларга қайта чигит экишни бошлаб юборишди. Уларнинг нияти — об-ҳаво инжиқликларига қарамай, ҳар гектар майдондан пландаги 27 центнер ўрнига 30 центнердан пахта етиштириш.

Суратларда: 1. Бригада бошлиғи Наримон Пардахонов билан звено бошлиғи Пардабой Раҳматов қайта экишга мўлжалланган уруғликни кўздан кечиришяпти. 2. Илғор механизатор Ўроз-бой Ўролбеков.

У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

М. С. Горбачев С. Уно билан учрашди

5 май куни М. С. Горбачев Кремлда Япония ташқи ишлар министри Сосукэ Унони қабул қилди.

У суҳбатни бошлар экан, шу билан мен Япония вакиллари билан ўнинчи марта сиёсий учрашув ўтказяпман, деб эслатиб ўтди ва бизда япон халқи зўр қизиқиш ва ҳурматга сазовор эканини айтди.

Ҳозир шундай вазият вужудга келганки, бир томондан, барча поғоналардаги мулоқот ривожланиб бормоқда, сулҳ шартномасини тайёрлайдиган қўшма ишчи группаси фаол ҳаракат қилмоқда, ташқи ишлар министрлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишонч муносабатлари вужудга келди, бизнинг давримизда бунинг аҳамияти катта; иқтисодий алоқалардаги натижалар чакки эмас; маданий алоқалар тобора бой ва хилма-хил мазмунга тўлиб бормоқда. Иккинчи томондан, Япония — Совет муносабатларининг динамикаси, айниқса, кейинги вақтларда Совет Иттифоқининг бошқа йирик давлатлар билан муносабатларидаги динамикадан бирмунча орқада қолаётганлиги кўриниб турибди. Эҳтимол, вазият пишиб етилмагандир, деди М. С. Горбачев. Бу иш — ўзаро алоқаларимизни мана шу иккала қўшни давлатга муносиб даражага кўтариш иши — иккала томоннинг вазифасидир. Ҳамма ишда бўлгани каби сиёсий жараёнда ҳам энг кучли мантиқ — ҳаёт мантиқидир: сабр-тоқатли бўлайлик.

С. Уно унинг ўз ибораси билан айтганда, япон халқи «яқиндан ҳис этиб» ва табриклаб турган қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик Совет—Япония муносабатларини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшади, деб умид билдирди.

У Бош министр Н. Такэситанинг муносабатларни яхшилаш муддаоси изҳор этилган истагини топширди, ҳукуматнинг тез орада истеъфога чиқиши бу йўлга ҳеч қандай ўзгартириш киритмаслигини маълум қилди.

Истиқбол ҳақида ўйлаганда, реалликдан ажралиб қолмаслик энг муҳим хусусиятдир, деди М. С. Горбачев — гўё Совет Иттифоқи яхши муносабатлар ўрнатилишидан Япониядан кўра кўпроқ манфаатдор, деган ва; эҳтимолки, ҳали ҳам мавжуд кайфиятлардан воз кечмоқ керак.

С. Унонинг «шимолий территориялар» хусусида гапириб, гўё бу нарса «халқит берувчи омил»лигича қолаётир, деган важларига жавобан М. С. Горбачев ажабланганлигини билдирди: нечун Японияннг Хитойга ва Жанубий Кореяга қилаётган шундай даъволари улар билан ўз муносабатларини бемалол ривожлантиришга халақит бермаяпти. Бу ўринда икки ёқлама мезон йўқмикан?

Биз ҳар бир давлатнинг урушдан кейинги халқаро муносабатлар системасидаги мавқеи ҳурмат қилиниши, давлатларнинг суверен манфаатларига ва халқнинг бошқа халқлар билан ўз муносабатлари у ёки бу жиҳатларига нисбатан вужудга келган қарашларига бир ёқлама ёндашмаслик тарафдоримиз. Икки томонлама муносабатларда манфаатларнинг ўзаро риоя этиладиган мувозанати жуда муҳимдир. Ҳар қандай масалалар бўлмасин, уларнинг ультиматум тарзида қўйилишидан воз кечиш ҳам муҳимдир.

М. С. Горбачев кейинги вақтларда Совет — Япония муносабатларидаги қийинчиликларни муҳокама қилиш чоғидаги сезиларли қайишқокликни уқтириб ўтди ва бу тенденция бой берилмаслиги муҳимлигини айтди. Япония томони ишчи группанинг муҳокамасига сулҳ шартномасини тайёрлашга оид ўз концепциясини тақдим этганини инобатга олди. Сиз ҳам, биз ҳам бу ҳақда ва умуман Совет — Япония муносабатларида энг кейинги вақтларда рўй бераётган ҳамма воқеаларни тузукроқ ўйлаб кўришимиз керак, деб хулоса чиқарди у.

Истаймизки, икки катта қўшни давлат — СССР билан Япония ўртасидаги муносабатларда ҳамкорлик кучайиб, кенгайиб бораверсин, икки халқ ўртасидаги муомала муҳити яхшилансин, янги мазмун билан тўлсин, ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган музокара механизми мулоқотнинг узлуксизлигини таъминлаб турсин, хуллас, униб чиққан ишонч ва ҳамкорлик ниҳоли дўстона муносабатлар дарахтига айлансин.

Биз Японияга қилинадиган визит масаласига ҳам шу нуқтаи назардан қараймиз, деди М. С. Горбачев. Бу визит зарур ва ишчанлик руҳида ўтиши керак. У муносабатларимизнинг яна бир поғонасини билдиради. Келгуси йилнинг бошларида бу мавзуга аниқ-равшан тарзда қайтишни таклиф этаман.

Суҳбатда Осиё — Тинч океани муаммолари ҳақида гаплашилди. М. С. Горбачев суҳбатдош икки масала хусусида изоҳ беришини сўради. Биринчидан, Совет Иттифоқи ўзининг қуролсизланиш соҳасидаги принципиал йўлини амалга ошириб, мамлакатнинг шарқий қисмидаги ҳарбий қудрати даражасини пасайтираётган бир шароитда Япония АҚШ билан биргаликда региондаги ўз ҳарбий қудратини ва ҳарбий активлигини тинимсиз ошириб бораётганини қандай изоҳлаш керак?

Иккинчидан, бизнинг Владивосток ва Красноярск ташаббусларимизда изҳор этилган эзгу ниятларимизга Қўшма Штатлар каби Японияннг ҳам жуда совуқ муносабатини қандай тушунмоқ керак? Бу ташаббуслар дунёнинг буюк ва истиқболли регионидаги барча давлатларга етилган ва ҳамма учун муштарак бўлган масалаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излашга қилинган таклиф-ку. Излаганда ҳам, ҳеч қандай камситишларсиз, ҳеч кимни яхлаб ўтмай, айниқса, Япония ва АҚШ каби жуда катта давлатларни четлаб ўтмай, ҳамманинг манфаатларини ҳисобга олиб излашни таклиф этяпмиз. Хўш, биздан нимани гумонсирамоқдалар?

Бу саволларга жавоб берилгани йўқ. С. Уно Япония Осиё — Тинч океани регионидаги, жумладан, Жанубий-Шарқий Осиёдаги мамлакатларни тинч ривожлантириш мақсадида ўзининг қудратли иқтисодий потенциалидан фойдаланаётганлиги тўғрисидагина гапирди. Менинг мамлакатим милитарист давлат бўлиш ниятида эмас, деб ишонтирди ва бу гапни бир неча бор такрорлади.

У М. С. Горбачевнинг Японияга визити мавзуига бир неча марта қайтди, япон халқи билан, унинг сиёсий вакиллари билан бундай учрашув, олий даражадаги музокаралар Япония — Совет муносабатларининг шундан кейинги бутун ривожланиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ишонч билдирди.

Пировардида М. С. Горбачев совет халқи номидан япон халқига ҳурмат туйғуларини ва муносабатларни яхши қўшничилик принциплари асосига қуриш тилагини топширишни илтимос қилди.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе, Япония ташқи ишлар министрлиги департаментининг бош директори Т. Того, элчилар Н. Н. Соловьев ва Т. Мутo ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

Область Советининг сессиясида

САМАРҚАНД, 6 май. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Самарқанд область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган қишлоқни комплекс қайта қуриш программаси қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдилар, бу программани бундан буён рўёбга чиқариш борасидаги тадбирларни белгилаб олдилар.

Шаҳар ва район халқ судларининг судьялари сайланди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. А. А. Йўлдошев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Самарқанд область ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди. Совет-обод район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб турган Т. Ғ. Қиличев область ижроия комитетининг раиси этиб сайланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров нутқ сўзлади.

Бугун — Радио куни, барча алоқа тармоқлари ходимлари байрами

МИЛЛИОНЛАР МИНБАРИ

Доҳиймиз В. И. Ленин Советлар ҳокимиятининг тонготаридаёқ, радио буюк техника кашфиёти эканлигини таъкидлаб, уни сиёсий пропагандининг энг кучли воситаси, деб таърифлаган эди. Бугунги кунда ўз хусусияти жиҳатидан матбуот пропагандаси ва оғзаки ташвиқот ишлари билан уйғунлашиб кетган телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришлари тингловчиларга ҳамда томошабинларга бевосита таъсир қила оладиган, одамларнинг ҳис-туйғулари, ҳаяжонларини бошқара оладиган муҳим восита бўлиб қолди.

Жамиятимиз сиёсий ислоҳот йўлида қайта қуриш, демократия ва ошкоралик сари одим ташлаётган бир вақтда радио ва телевидение бутун мамлакат ташвиши билан яшамоқда. Партиянинг яқин суянчи, жанговар ёрдамчиси бўлиб хизмат қиляпти. Иқтисодий, социал муаммоларнинг ечимини топишда, давримизга мос авлодни камол топтиришда, тарихимиз ва маданиятимизни ривожлантиришда, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда бебаҳо имконият — миллионлар минбари ўрнида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон радио-телевидениеси Бутуниттифоқ радио ва телевидениесининг ажралмас қисми, ишчан отрядидир. Бугунги кунда Тошкент радиосидан республикамизга бир кеча-кундузда 33 соатлик эшиттиришлар бериляпти. Шунинг 13 соати стереофоник усулда тайёрланади. Эшиттиришлар Совет Иттифоқи халқларининг ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қримтатар тилларида олиб борилаётир. Республика телевидениеси ҳар куни икки программа бўйича ўн бир соат давомида халқимиз хизматида. Бундан ташқари Марказий телевидениенинг уч соатлик программаларини навбатма-навбат олиб кўрсатиш имкониятига эгамиз. Худди шу каби Бутуниттифоқ радиоси 26 соатлик эшиттиришларини ҳам тинглаб боряпмиз. Қорақалпоғистон АССР ва республикамиз барча областларида маҳаллий радиоэшиттириш, Нукус ва Урганчда телевизион кўрсатувлар студиялари мавжуд. Истиқболда ҳар бир областда радио-телевидение эшиттиришларини янада ривожлантириш тадбирлари кўриляпти.

КПСС XXVII съезди белгилаб берган режалар ижросини таъминлашда теле-радиожурналистлар ўзларининг асосий вазифаларини республикамиз социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида туб ўзгаришларни кенг тарғиб қилишда, деб биладилар. Радиотўлқинларда ва «зангори экран»да кейинги йилларда қатор туркум эшиттиришлар, янги-янги рубрикалар пайдо бўлди. Телевиденнедаги «Иқтисод: туб ўзгаришлар йўлидан», «Ҳат ва ҳаёт», «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «3-студия» кўрсатувлари, радиодаги «Қайта қуриш: муаммо ва ечимлар», «Элга хизмат — олий ҳиммат», «Тарих — ҳақиқат кўзгуси» эшиттиришлари, «Оқшом тўлқинларида», «Тошкент ва тошкентликлар», «Адолат», «Саховат» каби информацион-музикали программалар бугунги кунда халқимизнинг энг ёқтирган кўрсатув ва эшиттиришларига айланган.

Ҳозиржавоблик радио ва телевидение учун ғоят қимматли хусусиятдир. Бинобарин, «Машъал» радиостанцияси фаолияти кунига ўн соатга узайтирилди. Унинг чиқишларида тингловчилар республика, мамлакатимиз ва чет эллардa юз бераётган муҳим воқеалардан хабардор бўладилар. Шу йилнинг 28 мартидан эса Ўзбекистон радиосининг II программаси Москва ва Ленинград тўлқинларига чиқа бошлади.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг янги-янги формаларини излаб топиш, синаб кўриш кундалик ишимизнинг асосини ташкил этади. Ижодкор ходимларимиз воқеа содир бўлган жойлардан бевосита эфирга чиқиш тажрибасини тобора кенгроқ қўллашга, телерадио кўприкларини кўпроқ ташкил қилишга уринib кўришяпти. Ҳаётимизнинг долзарб масалалари ечимини топишга қаратилган давра суҳбатлари, телефон орқали боғланишлар, эфирда, экранда бевосита учрашувлар ташкил этиш ҳам ижодий изланишларнинг мақсад ва моҳиятидир. Яқинда «Қармоқ» сатирик радиожурналининг 154-сонини эшиттирдик. У ўз саҳифаларида мансабпараст, порахўрлар, маҳкамачи, қаллоблар, таъмагир, қўшиб ёзувчилар, чайқовчи ва ташмачиларга қарши аёвсиз курашни давом эттирмоқда.

Лекин ҳали ишларимизда кўлам, жўшқинлик, тўкислик, аниқлик ва изчиллик етишмаяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида таъкидланганидек, ҳали республикамиз матбуоти, радио, телевидениеси қайта қуриш, демократия ва ошкоралик йўлида эришилаётган ютуқларни ҳар томонлама таҳлил қилиб беролмаяпти. Янгиликка ғов бўлиб турган тўсиқларни аниқлаб, уларга барҳам беришга эришишда ҳар доим ҳам қатъият кўрсатолмаяпмиз. Пешқадам коллективлар ташаббусини оммалаштириш, турмушимизда синовдан ўтаётган самарадор усулларни қарор топтиришга оид радио-телевидение чиқишларига жойларда кўпинча етарлича эътибор берилаётгани йўқ. Танқидий чиқишлар тан олинган ҳолларда ҳам уларни бартараф этиш юзасидан жиддий чора ва тадбирлар кўрилмаяпти. Биз бунга йўл қўймаслигимиз керак.





Ўзбекистон телевиденнеси кўрсатувлари тобора мароқли тус олмоқда. Қайта қуриш руҳида иш юритаётган редакциялар коллективлари республикамиз меҳнат аҳли эришаётган ютуқларни тарғиб этиб, камчиликларни рўй-рост очиб ташламоқдалар. Айни пайтда «Ёшлик» редакциясида амалга ошрилаётган ишлар диққатга сазовор.

Эндиликда Тошкент овозини бутун дунё тингламоқда. Хорижий элларга эшиттиришлар олиб борувчи редакциялар чет мамлакатлардаги тингловчилар билан алоқани янада кенгайтириш мақсадида радиожурналистиканинг барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Бугунги кунда Ўзбекистон пойтахтидан инглиз, араб, ҳинд, урду, форс, ўзбек ва уйғур тилларида берилаётган радиоэшиттиришларни жаҳоннинг етмишдан ортиқ мамлакати тингламоқда.

Суратда: 1. Ўзбекистон телевиденнеси «Ёшлик» редакцияси ходимлари — режиссёр ассистентлари Фарҳод Маннонов, Дилфуза Аҳмедова, катта редактор Барно Файзуллаевалар янги кўрсатув тайёрлашмоқда. 2. Ўзбекистон радиоси чет эллар учун эшиттиришлар редакциясининг ҳинд бўлимн дикторлари Баҳодир Умаров билан Арун Кумарлар иш устида.

Е. БОТИРОВ ва Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

Халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш, ўзаро самимий меҳр-оқибат қарор топишига телевидение ва радио ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунончи, партия, совет, касаба союзлари, комсомол ташкилотларининг бу борадаги тажрибалари кенг тарғиб қилинмоқда. Телевиденнедаги: «Анъана ва замон», «Қардош халқлар Иттифоқи», «Муҳим мавзу» кўрсатувларида, радиодаги «Биродарлик», «Совет турмуш тарзи», «Дўстлик тўлқинларида», «Ўзбек тилини ўрганамиз», «Рус тилини ўрганамиз», «СССР — умумий хонадонимиз» каби эшиттиришларда миллий сиёсатнинг ленинча принциплари, миллатлараро муносабатларнинг такомиллашуви, интернационал тарбия, қардошлик алоқаларининг самаралари ўзининг муфассал ифодасини топмоқда.

Тележурналистларнинг кундалик фаолиятидан атеистик мавзудаги эшиттиришлар ҳам тобора кенг ўрин олмоқда. Бу ниҳоятда мураккаб мавзу. Шу боис атеистик пропагандининг йўналишини кишиларнинг ҳис-туйғулари, эътиқоди ва ихлосини ҳақоратламайдиган тарзда олиб бориш муҳим. Бу борада Ўзбекистон радиосининг ҳар ойда бир марта икки тилда эшиттириладиган «Инсон, дин ва замон» программаси эътиборга лойиқ.

Тошкент радиоси чет мамлакатларга эшиттириш тайёрлаш бўйича Иттифоқимизда йирик ташвиқот ва тарғибот марказларидан биридир. Ҳозирда жаҳон халқларининг саккиз тилида суткасига ўн соатдан ортиқ эшиттириш берилмоқда. Унинг бундай эшиттиришлардан мақсади чет элдаги тингловчиларга Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари турмуш тарзини кенг кўламда ёритиб беришдан иборат. Жаҳондаги 70 дан зиёд давлат фуқаролари билан хат орқали мулоқот қилиб турибмиз. Шу ўринда «Она замин ҳамма учун ягона» программасининг ниҳоятда оммавийлашиб кетганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Радио ва телевидение фаолиятининг кўлами, салмоги-ю, самарасини белгилаб берувчи яна бир мезон меҳнаткашлардан келаётган мактублардир. Ўтган йили телевидение кўрсатувлари юзасидан беш минг 513 дона ижобий мазмунда мактублар олинди. Танқидий мазмундаги мактублар ҳам кўп, албатта. Радиоэшиттиришлари ҳақидаги хатлар ҳам тобора кўпайиб боряпти.

Одатда байрам кунлари ўтган даврда қилинган ишлар сарҳисоб этилиб, вазифалар ҳам белгиланади. Бугунги кун талаби кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, одамларимиз дилидаги гапларни кўрсатув ва эшиттиришларга олиб чиқиш учун ижодий муҳит яратиб беришни таъминлашни тақозо этмоқда. Бу муҳим вазифаларни изчил амалга оширсак, кун сайин ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётган радио ва телевидениенинг жанговарлик, сафарбарлик фаолиятини янада яхшилашга эришган бўламиз.

Н. ҒОЙИБОВ,
Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг

30—40-ЙИЛЛАР ВА 50-ЙИЛЛАРНИНГ БОШИДАГИ ДАВРДА СОДИР БЎЛГАН РЕПРЕССИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚЎШИМЧА РАВИШДА ЎРГАНУВЧИ

КОМИССИЯСИДА

Комиссиянинг навбатдаги мажлисида асоссиз равишда репрессия қилинган кишиларни суд йўли билан ва партия йўли билан оқлаш юзасидан олиб борилган ишларнинг дастлабки якунлари чиқарилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, «Советларга қарши ўнг троцкийчилар блоки», «Ленинград иши», «Советларга қарши троцкийчи ҳарбий ташкилот», «Советларга қарши параллел троцкийчи марказ», «Советларга қарши бирлашган троцкийчи-зиновьевчи марказ», «Москва маркази», «Марксчи-ленинчилар иттифоқи», «Ишчи оппозицияси» группаси — «Москва аксилинқилобчи ташкилоти» ва «Яҳудийларнинг антифашист комитети» деб аталган ишлар юзасидан суд мажлислари ва суддан бошқа органларнинг материалларини ҳар томонлама ўрганиш ана шу ишнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлди. Ана шу суд мажлисларида таниқли партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ходимларнинг анчагина қисми суд қилинган эди.

Аниқланишича, ана шу процессларнинг ҳаммаси сохталаштирилган бўлиб, социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузиб ўтказилган. Давлатга ва партияга қарши деб тўқиб чиқарилган айблар билан жиноий жавобгарликка тортилган кишилар суд йўли билан тўла оқландилар. Ана шу ўртоқларнинг кўпи КПСС аъзолигига тикланди. Қолганларининг партиявийлик масаласи кўриб чиқилмоқда.

Сиёсий бюро комиссиясида «Ленинград аксилинқилобчи зиновьевчи группаси», «Ленинград маркази», «Троцкийчиларнинг Бутуниттифоқ маркази», «Бухарин мактаби» ва «Риков мактаби» деб аталмиш ишлар юзасидан ўтказилган процессларга тааллуқли материалларни кўриб чиқиш тугалланмоқда.

Комиссия КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси Б. К. Пуго, СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев, СССР юстиция министри Б. В. Кравцов, СССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари С. И. Гусев, СССР давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари В. П. Пирожковларнинг ахборотларини тинглаб, суд ва партия йўли билан марказда ҳам, жойларда ҳам оқлаш жараёни тобора планли тус олиб бораётганлигини, жамоатчилик бу ишни маъқуллаб, тобора кўпроқ қўллаб-қувватлаётганлигини таъкидлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари репрессия қилинганларнинг жуда кўп ишларини кўриб чиқди. Уларнинг кўпига нисбатан чиқарилган ҳукмлар қайта кўриб чиқилди, кўпгина совет кишиларининг яхши номи ва шани тикланди.

Оқлаш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилганлар орасида ўтмишда оғир жиноят қилган кишилар ҳам бор. Уларнинг орасида Ватанга хиёнат қилган кишилар, нацистчи жиноятчилар, миллатчи бандалар бўлинмаларининг иштирокчилари ҳамда уларнинг гумаштаси, жиноий ишларни сохталаштириш билан шуғулланган кишилар бор эди. Бундай кишиларнинг илтимослари қондирилмади.

Комиссия партия, совет ва ҳуқуқни муҳокама қилиш органлари иштирокида ўз адресига келган салкам 9 минг хат ва аризани кўриб чиқди. Бу аризаларда суд йўли билан ва партиявий жиҳатдан оқлаш тўғрисидаги, бегуноҳ кишиларнинг ҳалокати тафсилотлари ҳақида тўлароқ маълумот бериш тўғрисидаги, архив ҳужжатларини қидиришда, дафн этилган жойларни аниқлашда, мукофотларни қайтаришда ёрдам бериш ҳақидаги илтимослар жуда кўп. Илтимосларнинг анчагина қисми — ўтказилган заварни тўлаш, оқланган кишиларни улар қонунга хилоф равишда кўчириб юборилган жойларга қайтариш, уларнинг уй-жой шароитини, пенсия таъминотини, медицина хизматини яхшилаш тўғрисидадир.

Келаётган хатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, репрессияларнинг оқланган қурбонларига ҳукумат томонидан белгиланган ва маҳаллий органлар томонидан амалга оширилаётган имтиёзларни гражданлар ҳамиша ҳам билмайдилар, бир қанча ҳолларда эса бағритошлик, бюрократизм кўринишларига дуч келмоқдалар, бу ҳол уларни юқори идораларга мурожаат этишга мажбур қилмоқда. Сиёсий бюро комиссияси оқланган кишиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда совет органларига кўмаклашиш учун иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари, халқ депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советлари ҳузурида комиссиялар тузиш мавжуд камчиликларни тугатишга кўп жиҳатдан ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

Амалга оширилган ишларнинг якунини чиқариш чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, совет ва партия органларининг адолатни тиклашга, КПСС Марказий Комитетининг қарорини ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 16 январда чиқарилган «30—40-йиллар ва 50-йилларнинг бошидаги даврда юз берган репрессияларнинг қурбонларига нисбатан адолатни тиклашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган фаолиятини янада кучайтириш ва такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу муҳим ишда ҳар бир конрет ишни ғоят диққат-эътибор билан, пухта ўрганиш талаб этилиши таъкидланди.

Халқ депутатлари область, ўлка Советларида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларида тузиладиган комиссияларнинг ролини ошириш, оқланган кишиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда, репрессия қурбонларига ёдгорликлар барпо этишда, улар дафн этилган жойларни тегишли тартибда сақлашда Совет органларига кўмак бериш мақсадида жамоатчиликни кенг жалб этиш тўғрисида ҳам гап борди.

Комиссия КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг «Ишчи оппозицияси» группаси — «Москва аксилинқилобчи ташкилоти» деб аталган иш юзасидан суд қилинган кишиларнинг партиявийлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги ахборотини тинглади, илгари хабар қилинганидек, бу кишилар суд йўли билан тўла оқланган эди.

20-йилларнинг бошида мавжуд бўлган «Ишчи оппозицияси» деб аталган группанинг ғоявий платформаси бир қанча масалалар юзасидан хато, назарий ва амалий жиҳатдан асоссиз эди, РКП(б) X съездн «Ишчи оппозицияси»қарашларини қоралади ва бу қарашларни синдикал ва анархистча оғмачилик, деб баҳолади. Кейинчалик бу оғмачилик партия мунозаралари доирасида бартараф этилган эди.

В. И. Ленинниинг таклифига мувофиқ «Ишчи оппозицияси» қатнашчилари актив сиёсий фаолиятга жалб этилди. А. Г. Шляпников РКП(б) X съездида партия Марказий Комитети составига сайланди. У ишчилар турмушини яхшилаш комиссиясига бошчилик қилди, партияни тозалаш марказий комиссияси составига киритилди.

А. Г. Шляпников, С. П. Медведев ҳамда «ишчи оппозицияси»нинг бошқа кўпгина қатнашчилари кейинчалик ўзларининг хато қарашларидан воз кечганликлари ҳам маълум. Аниқланишича, улар партияга, Советларга қарши фаолият билан шуғулланмаганлар. 30-йилларда эса уларга худди шундай айб қўйилган. «Ишчи оппозицияси» группаси — «Москва аксилинқилобчилар ташкилоти» деб аталган ташкилотнинг ўзи ҳам бўлмаган.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ана шуларни, шунингдек, А. Г. Шляпников, С. П. Медведев, И. И. Николаенко, А. А. Тихомиров, В. Е. Тарасов, В. П. Демидов ва М. А. Вичинский суд йўли билан тўла оқланганлигини ҳисобга олиб, уларни ўлимидан сўнг КПСС сафига тиклади. М. Н. Ивановни партия сафига тиклаш учун асос топилмади, чунки у 1932 йилда кейинчалик унга қўйилган асоссиз сиёсий айб билан боғлиқ бўлмаган хатти-ҳаракатлари учун партия сафидан чиқарилган эди.

Юқорида тилга олинган иш юзасидан судланган С. И. Масленников, Г. И. Бруно, М. Ф. Михайлов, М. И. Прокопенко, М. И. Догадина, Н. И. Ружицкая, З. И. Аҳмедова илгари партияга тикланган эдилар.

Комиссия КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Сиёсий бюро комиссиясининг иши давом этмоқда.

● НОМЕРГА ҚЎНҒИРОҚ

НИЯТ ЯХШИ БЎЛСА

— Алло, редакция, мен Самарқанд область, Нурота районидаги 58-ўрта мактаб директори Бекмуҳаммад МАМАРАСУЛОВман. Ҳозиргина «Республикада антисоцнал ҳодисаларнинг олдини олишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси тафсилотини ўқиб чиқдим. Кўнглимга келган бир фикрни телефондаёқ айтиб қўймоқчи эдим...

— Марҳамат, қандай фикр?

— Бюрода кейинги пайтларда республикамизда қатор ижобий йўналишдаги норасмий бирлашмалар билан бирга айрим салбий йўналишдаги группалар ҳам пайдо бўлаётгани ташвиш билан айтиб ўтилган. Чунончи, **«Одамларни, асосан ёшларни қатъий талаблар қўйиш оқимига жалб этишга уринаётган бошқа баъзи ташаббускор ташкилотлар айрим активларнинг фаолияти ҳам салбий тусдадир. Диндорларни диний маросимлар тўғрисидаги қонунларни бузишга гиж-гижлаш тобора сезиларли даражада намоён бўлмоқда»**, деган жумлалар менинг диққатимни тортди.

Дарвоқе, одамларнинг қайта қуриш жараёнларида иштирок этишга бўлган соғлом муддаосидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга уринаётган группалар ва ўзларини уларнинг раҳбарлари деб эълон қилаётган айрим кишилар орамизда бор. Чиндан ҳам улар одамларни, айниқса, ёшларни баъзан ножўя ҳаракатларга гиж-гижламоқдалар. Бу ҳол жамоат тартиби ва жамиятдаги маънавий муҳит учун ноҳуш оқибатларга олиб келиши тўғрисида яхши ўйламаяптилар. Демократия ва ошкоралик жараёнлари авж олаётган, одамларнинг ўзлигини англаши ўсган, уларнинг социал ва сиёсий фаоллиги кучайган бир шароитда бунга йўл қўйиб бўладими? Асло!

Менинг истагим, эндиликда ҳар бир киши — хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса — нияти яхши бўлса агар, қуруқ гапсўзлар ўрнига қайта қуришни жадаллаштиришда, республикада тўпланиб қолган муаммоларни амалий ҳал этишда фаол қатнашсин...

ИНСОН ҲАЁТИНИ ДЕБ...

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАЛҚАРО ҲАРАКАТИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИГА

Жаҳондаги энг оммавий ҳаракатлардан бири ҳалқаро Қизил крест ва Қизил Ярим ой ҳаракатидир. Ушбу ҳаракатнинг жаҳон кунини биз ҳар йили 8 майда нишонлаймиз. Бу гал унинг 125 йиллиги байрам қилинмоқда. Маълумки, ҳозирги пайтда мазкур ҳаракатда дунёдаги 150 та мамлакатдан 220 миллион киши қатнашяпти. Бундай юксак оммавийлик ва машҳурликнинг сабаби бор, албатта. Чунки унга инсоният учун энг қадрли ва азиз бўлган инсонпарварлик ҳамда тинчлик ғоялари асос қилиб олинган. Ҳалқаро Қизил крест ва Қизил Ярим ой ҳаракатининг «Шафқатдан тинчлик сари» деган шиори ҳам шундан далолатдир.

Тарихга назар ташлайлик. Урушлар қадим-қадимдан сонсиз-саноқсиз кулфат ва азоб-уқубатларни келтирган. Унда, айниқса беморлар ва яradор жангчилар кўп азоб чекишган. Чунончи, 1853—1856 йиллардаги Қрим урушида рус армиясининг минглаб яradорлари ва беморлари медицина ва санитария хизматги ёмонлиги туфайли жуда оғир аҳволга тушиб қолишган. Таниқли рус жарроҳи Н. И. Пирогов улар чекаётган азоб-уқубатларни бирмунча енгиллаштириш мақсадида ўз ташаббуси билан тезликда бир гуруҳ шафқат ҳамшираларини тайёрлади. Ҳамширалар жанговар ҳаракатлар майдонига етиб келиб яradорлар ва беморларга ёрдам кўрсатишди. Фронтнинг нариги томонида, айни шу пайтда англиялик Флоренс Найтингейл инглиз армиясининг яradорлари ва бемор жангчиларини фидокорона парвариш қиларди.

Орадан бир неча йил ўтгач, 1859 йилда Франция-Италия-Австрия урушида шимолий Италиянинг Сальферино деган жойида қатиқ жанг бўлди. Жанг майдонида минглаб яradорлар ҳар қандай тиббий ёрдамдан маҳрум ҳолда қолиб кетдилар. Швейцариялик Анри Дюнан бу манзарадан даҳшатга тушиб, «Сольферино ҳақида хотиралар» китобини ёзди. Бу асар муайян даражада жаҳон жамоатчилигини уруш яradорлари ва беморларга ёрдам кўрсатиш жамиятини тузиш зарурлигини уқиб олишга тайёрлади. Ниҳоят 125 йил муқаддам, 1864 йилда ўн олти давлат вакиллари Женевага тўпланиб, ҳаракатдаги армияларнинг яradорлари ва беморлари қисматини яхшилаш тўғрисидаги конвенцияни имзоладилар. Шу тариқа халқаро Қизил крест ҳаракатига пойдевор қўйилди.

Россия биринчилар қатори Женева конвенциясини имзолади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳаракат оммалашиб борди. Дарвоқе асримизнинг бошларидаёқ Россия Қизил крест жамиятининг Тошкент округ бошқармаси анчагина фаоллик кўрсатди. Ўтган даврда ҳаракат кенгайиб, таъсир доираси ошиб борди. Бунда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Инқилоб Россия Қизил крест ҳаракатини хайрия ташкилотидан кенг меҳнаткашлар оммасининг инсонпарварлик ташкилотига айлантирди. Унинг ривожланиш принципларига 1918 йилда халқ комиссарлар Советининг В. И. Ленин имзолаган қарорида асос солинди. 1923 йилда РСФСР, Украина, Белоруссия, Арманистон, Грузия Қизил Крест жамиятлари ва Озарбайжон Қизил Ярим ой жамияти бирлашиб, СССР Қизил крест ва Қизил Ярим ой жамиятини барпо қилдилар. 1925 йилда эса Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти бу уюшмага аъзо бўлиб кирди.

Республикамизда раҳм-шафқат ҳаракати тарихи ҳам қизиқ. Бир мисол. Республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбоев Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитетининг биринчи фахрий раисларидан эди. У Ўзбекистон учун бу ҳаракат қанчалик улкан аҳамиятга эга эканлигини, айниқса санитария маданияти пропагандаси зарурлигини жуда яхши тушунар эди. Охунбобоев Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти биринчи съезди делегатларига мурожаат қилиб, аҳоли ўртасида санитария—маърифий ишларни фаол олиб боришга, бу ишни биринчи даражали аҳамиятга молик вазифа, деб қабул қилишга даъват этди. Жамият фаоллари орасидан санитария маданиятини тарғиб ва ташвиқ этувчи махсус бригадалар тузилди. Тўгараклар очилди. Уларда ёшларга беморлар ва табиий офатлардан зарар кўрганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ўргатилди. Жамият шифохоналар, дорихоналар, болалар соғломлаштириш муассасалари ташкил этди. Қизлар медицина ҳамширалигига ўқитилди. Буларнинг ҳаммаси ўша пайтда кенг тарқалган юқумли касалликлар, чунончи ўлат, вабо, ришта каби касалликларга қарши шулар жумласидандир.

Ишимизда қайта қуриш самара беряптими? Ҳа, лекин, афсуски, биз ўйлаганимизчалик эмас. Бироқ турғунлик йиллари оқибатларидан иложи борича тезроқ халос бўлишга интилмоқдамиз. Шуниси диққатга сазоворки, илгари биз оғир очолмаган мавзулар тўғрисида ҳозир баралла айтяпмиз. Масалан, биз минглаб инвалидлар ва кексалар ҳақида нималарни билардик? Очиғи, жуда кўплаб ёлғиз кишилар раҳм-шафқатга, жамиятнинг реал ёрдамига муҳтождирлар. Ҳозир Қизил Ярим ой жамияти бу олижаноб ишга фаоллик билан кўшилган.

Бугунги кунда республика Қизил Ярим ой жамиятининг раҳм-шафқат хизматида 600 нафар медицина ҳамшираси ва 700 нафар кичик шафқат ҳамшираси бор. Уларга қарийб 8 минг киши биркитиб қўйилган. Кўпчилик улар хизматидан мамнун бўлишяпти. «Бир жойга михланиб қолганман, —деб ёзади Улуғ Ватан уруши ветерани Чуляченко. — Аммо ёнимда ҳамма вақт шафқат ҳамшираси Толипова ҳозиру нозир. Жуда меҳрибон. Ўзининг қувноқлиги ва бардамлиги билан қисматимни енгиллаштирмоқда».

Биз Афғонистонда бўлган интернационалчи жангчилар ва санитария-гигиена билимларини тарғиб ва ташкил этиш, аҳолини яллисига диспансердан ўтказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, жамоатчи санитария инспекторлари ва жамоатчилик асосида ҳаракат қилувчи наркология постлари ишларини ташкил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инвалидларга, уруш ва меҳнат ветеранларига медицина ёрдами ҳамда социал-маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, меҳнатга яроқсиз ёлғиз гражданларга раҳм ва шафқатга нақадар муҳтож эканликларини жуда яхши биламиз. Жамият уларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Протезлар билан таъминлашда кўмаклашяпти. Айни пайтда уларга маънавий-кўмак ҳам зарур. Интернационалчи жангчилар ва республиканинг олий ҳамда ўрта медицина билим юртларида таълим олаётган етим болалар учун жамиятимиз махсус стипендиялар таъсис этди. 106 киши ундан баҳраманддир.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Қизил крест ҳаракати анъаналарига содиқ қолиб, табиий офатдан зарар кўрганларга биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзяпти. Биргина сўнгги олти ойнинг ўзида жамият зилзиладан зарар кўрган Арманистон ва Тожикистонга, сув остида қолган Андижон областининг Пахтаобод районига 223 минг сўм маблағ ўтказилди. 255 минг сўмлик дори-дармонлар, чодирлар, кўрпа-тўшаклар ва бошқа жиҳозлар юборилди.

Орол денгизи районидаги экологик вазият республикамизнинг энг танг жойларидан биридир. Тўғри, денгизни қутқариб қолиш керак. Лекин энг аввало шу регионда истиқомат қилувчи аҳолини экологик фалокат оқибатларидан сақлаб қолиш зарур. Биз ўз куч-ғайратларимизни мана шу йўналишга сарфлашимиз керак. Биз ушбу район аҳолисига зудлик билан тиббий, санитария, маърифий, социал ва бошқа хил ёрдамлар бериш учун республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитети, Ўзбекистон касаба союзлари Совети, Қизил Ярим ой жамияти, раҳм-шафқат ва саломатлик фонди бўлими, бошқа барча давлат ва жамоат ташкилотлари куч-ғайратларини бирлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Жамият ўз фаолиятида меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, корхоналар ва муассасалар раҳбарлари мададига суянади. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси. «Зенит» заводи, «Гиофизика» Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазстроймеханизация», «Узагроэлектромонтаж» трестларидан миннатдормиз. Улар— раҳм-шафқат кўрсатишдек инсоний ғоялари амалга оширишда ишончли таянчдирлар.

Ў. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитетининг раиси.

Бундан қарийб бир ой олдин газетамизда эълон қилинган «Шахсий хўжалик баракаси» деб номланган мақола муносабати билан редакциямизга жойлардан жуда кўп хатлар келди. Хат муаллифлари республикамизда шахсий томорқа хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга катта ёрдам бериши амалда исботланган бўлсада, бу муҳим масалага кам эътибор берилаётганини куюниб ёзадилар.

Шунингдек улар шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада кенг тараққий эттириш истиқболлари, кўндаланг турган муаммолар ва уларни бартараф этиш учун олиб борилаётган тадбирлар ҳақида батафсилроқ маълумот олиш истагини ҳам билдиришган. Шу муносабат билан мухбиримиз мақола автори — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти директори, ВАСХНИЛ академиги Саид УСМОНОВ билан учрашиб, суҳбатлашди.

• Долзарб мавзуда суҳбат

ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ — ДАСТУРХОН ФАЙЗИ

— Саид Нўъмонович, обҳаво, иқлим шароити турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан мева, сабзавот, узум, қовун-тарвуз етиштириш учун жуда қулай бўлган республикамизда кейинги йилларда бундай маҳсулотларга тақчиллик сезилмоқда. Бозорларда истаган пайтда хоҳлаганча сифатли мева-чева, картошка ва бошқа маҳсулотларни топиш мумкин. Бироқ давлат дўконларида уларни «кундуз куни чироқ ёқиб» ҳам топиб бўлмайди.

— Фикрингизни тушундим. Жуда катта моддий техника базасига эга бўлган жамоат секторида самарадорлик нима учун паст, демоқчисиз. Бунга атрофлича жавоб бериш учун масалага чуқурроқ разм солиш керакка ўхшайди, чамамда. Мамлакатимизда социализм қуриш даврида деҳқон хўжаликларини йириклаштириш, уни коллективлаштиришга бир ёқлама берилиб кетилди. Кўпроқ сон кетидан қувиб, коллективлаштиришнинг бош мезони ҳисобланган — жамоат сектори самарадорлигини ошириш эътибордан тушиб қолди. Натижада дурустгина самара бериб турган деҳқон хўжаликларидан путур кетди. Одамлар ўзларини ернинг, ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий хўжайинлари, деб ҳис қилмай қўйишди.

Бундай фикрнинг янада чуқур илдиз отишида турғунлик йилларининг маҳсули бўлган бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули ҳам катта роль ўйнади. Деҳқонларнинг қачон нима экилишлари, қай бир агротехник тадбирни қандай бажаришлари доимо юқори органлар томонидан белгилаб берилди. Натижада деҳқонлар ҳам, боғбон-соҳибкорлар ҳам кўрсатма асосида ишлайдиган бўлиб қолдилар. Ташаббускорлик, омилкорлик каби ҳислатлар сўниб борди. Аслида айримлар учун бундай ишлаш осон. Буйруқни бажару ҳақини олавер. Натижаси ҳақида раҳбарлар бош қотиришсин.

Ана шундай шароитда кўпчилик бор кучи, имконияти, тажрибаси, билим ва маҳоратини томорқасига сарфлайди. Чунки томорқа ўзиники. Яхши ишласа даромад келади, ёмон ишласа қуруқ қолади. Буни яхши билган ҳар бир киши томорқа хўжалигида иложи борича кам маблағ билан кўпроқ маҳсулот олишга ҳаракат қилади ва бунга эришмоқда.

Энди бозорларда нега сара маҳсулот фақат шахсий томорқа эгалари қўлида, деган саволга бевосита шундай жавоб қайтаришим мумкин. Айтишларича бир йигит байрам куни янги тўн ва янги этик кийиб кўчага чиқибди. Бир неча муддат юрганидан кейин этиги чанг бўлганини кўриб, энгашибди-да чопонининг енги билан артиб йўлида давом этибди. Уни кузатиб турган бир киши: «Чопонини отаси олиб берган-у, этикни ўз пулига олган экан», дебди ҳамроҳига. Хулоса шуки, ҳеч ким ўз пешона тери билан етиштирган ва ўзига тегишли бўлган нарсани бекорга нобуд бўлишига йўл қўймайди.

Иложи борича ундан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу йўлда изланади, ўрганади, қўлланади, натижага эришади. Ўз томорқасида маҳсулот етиштирган деҳқон унинг бирор мисқолини нобуд қилмаган ҳолда ўз вақтида териб олади, сифатини бузмай саралаб сақлайди. Шу туфайли ҳам истаган пайтингизда улардан қиммат баҳода бўлсада сархил мева, сабзавот, узум ва бошқа маҳсулотлар харид қилишингиз мумкин. Ваҳолонки маълумотларга қараганда колхоз ва совхозларда етиштирилган озиқ-овқат экинлари ҳосилининг 20—30 процентдан зиёдроғи ҳосилни йиғиб-териб олиш, уни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш пайтида нобуд бўлиб кетар экан.

— Жамоат сектори, яъни колхоз ва совхозлар билан шахсий хўжаликлар ўртасида меҳнат унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, моллар маҳсулдорлигидаги фарқ ҳақида аниқроқ маълумотлар берсангиз.

— Ҳозир республикамизда ҳаммаси бўлиб 4 миллион 861 минг гектар ҳайдаладиган ва кўп йиллик ўсимликлар экилган ер майдонлари мавжуд. Шунинг 4 миллион 23 минг гектарини суғориладиган ерлар ташкил этади. Шахсий томорқа хўжаликлари учун жами майдонларнинг атиги 4,2 процента ажратилган, холос. Шунга қарамай уларда ишлаб чиқариш самарадорлиги жуда юқори.

Қисқаси, республикамизда шахсий томорқаларда жами тайёрланадиган маҳсулотнинг 24 процента етиштириляпти. Агар пахта фақат колхозлар ва давлат хўжаликларида етиштирилишини ҳисобга оладиган бўлсак, шахсий хўжаликларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи қарийб 40 процентни ташкил этади.

— Жами майдонларнинг 4,2 процентига эга бўлган шахсий хўжаликларнинг шунча маҳсулот етиштириши асосан қандай омиллар ҳисобига таъминланяпти, деб ўйлайсиз?

— Томорқа эгалари юқорида таъкидлаганимдек ўз ерларининг амалдаги хўжайинларидир. Шунинг учун унинг ҳар бир қаричидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари улар кўрсатмасиз ишлашади, яъни ўзлари учун мақбул бўлган ва кўпроқ фойда берадиган экинни экишади. Бир жойдан йилига икки, ҳатто уч маротаба ҳосил оладилар. Маҳсулотни эса хохлаган пайтда истаган ерда харидор билан келишилган нарх асосида сотишади.

Ана шунинг ўзи шахсий томорқа эгаси бўлган деҳқонни ҳам, чорвадорни ҳам она заминни ардоқлаш, унга бор меҳрини, билими, тажрибасини бахшида этиш, ерни тинкасини қуритиб, борини тортиб олавермасдан унумдорлигини доимо ошириб боришга йўналтиради. Чунки у ердан муттасил кўп, сифатли маҳсулот олишдан шахсан манфаатдордир. Шунга яраша натижа ҳам юқори.

Масалан, ҳозир жамоат секторида ҳар гектар ҳисобига 2 минг сўмликдан бироз кўпроқ маҳсулот етиштирилаётган бўлса шахсий томорқа хўжаликларида гектар бошига 12 минг сўмликдан зиёд маҳсулот олинаяпти.

— Жамоат секторида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги пастлигининг асосий сабаблари нимада?

— Очиғини айтганда, бизда сўнгги йилларда хўжалик юритиш ўта марказлаштириб юборилди. Биргаликда ишлаш, коллектив мулкига ўз мулкидек муносабатни қатор топтиради, деб кўп гапирдигу деҳқоннинг ҳам, боғбон-соҳибкорнинг ҳам, чорвадорнинг ҳам ташаббусига турли сунъий тўсиқларни қўйиб ташладик. Ҳамма масалалар ишлаб чиқарувчиларнинг иштирокисиз ҳал этиладиган бўлиб қолди. Натижада қишлоқ меҳнаткаши мустақиллик, ерга хўжайинлик ҳиссини йўқотди.

Шунинг учун ҳам колхозлар, совхозларда турли-туман аҳоли талабига мос тушадиган сара мева, сабзавот, узум, қовун-тарвуз, картошка тайёрлашда жиддий ўсиш кузатилмаётир. Томорқа хўжаликларида тўрт-беш сотих ердан ҳатто ўн тоннагача сабзавот олинаётган бир пайтда Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида гектар бошига бор-йўғи 7,3, Сирдарё областида 12,2, Хоразм областида 14,5 тонна сабзавот етиштирилаётир.

Аммо, умуман олиб қараганда, шахсий хўжаликларда эришилаётган натижалар билан жамоат сектори натижалари ўртасида ҳали осмон билан ерча фарқ бор. Демак, ҳозир аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ошиб бораётган талабини тезроқ ва тўлароқ қондиришнинг ишончли йўли шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш экан. Бироқ айримлар шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш кишиларда шахсий мулкчилик, бойлик орттиришга уриниш каби иллатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин дейишяпти.

— Биз озиқ-овқат масаласини ҳал этишда жамоат секторининг ролини инкор этмоқчи эмасмиз. Уни ҳар томонлама ривожлантириш, самарадорлигини ошириш лозим. Институтимиз фаолиятининг асосий йўналиши ҳам айнан шу масалага қаратилган. Шу билан бирга, ҳозирги шароитда томорқа хўжалигига ҳам эътибор бериш — фаровонликни таъминлашнинг, аввало, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Чунки, Иттифоқ бўйича қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига барча даромадларни қўшиб ҳисоблаганда ойига 105 сўм тўғри келади. Республикамизда эса ҳар бир қишлоқ киши ҳисобига бу бор-йўғи 60 сўм бўлиб, умумиттифоқ кўрсаткичидан қарийб 40 процент камдир. Агар деҳқон ёмон яшаса, у яшайдиган жамият ҳам яхши яшай олмаслиги ҳаммага аён. Шундай экан, томорқа хўжаликларини ривожлантириш ҳозир кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларимиздан бири.

Шуни унутмаслик керакки, шахсий хўжалик шахсий меҳнатга асосланган ва анчагина қўшимча ресурсларга эгадир. Масалан, 615 минг колхозчи пенсионерлар, 642 минг кўп болали оналар, 155 минг юқори синф ўқувчилари ва қишлоқдаги бошқа кишилар томорқада маҳсулот етиштиришда қатнашади. Ҳалол, баракали меҳнат қилибдими, меҳнатига яраша кўпроқ даромадини олсин. Ахир бизнинг социалистик принципимиз — ҳар кимга меҳнатига яраша, деган принцип эмасми!

— Шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун биринчи навбатда нималарга эътибор берган маъқул?

— Фактлар шахсий хўжаликларнинг ер майдони кам бўлсада ердан интенсив фойдаланиш ҳисобига жуда кўп маҳсулот етиштираётганини яққол кўрсатиб турибди. Шуни ҳисобга олиб, қуйидаги хулосани чиқариш мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаётган ҳозирги шароитда уларнинг мўлкўллигини таъминлаш учун аввало томорқа хўжаликлари ер майдони ҳажмини кўпайтириш лозим. Бир пайтлар республикамизда томорқаларнинг ҳажми 0,25 — 0,50 гектарни ташкил этган. Кейинчалик бу кўрсаткич 0,13-0,14 гектарга, ҳатто ундан ҳам кичикроқ қилиб камайтирилди. Ваҳолонки аҳоли жон бошига анча кўп маҳсулот етиштирилаётган жойларда бу миқдор анча ортиқ қилиб белгиланган. Масалан, Болтиқбўйи республикаларида шахсий хўжаликларнинг ер майдони 0,45-0,60 гектарни ташкил этади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки республикамизда ҳам томорқаларни кенгайтириш лозим. Агар бевосита ўша жойда томорқаларни кенгайтиришнинг иложи бўлмаса, қишлоқ меҳнаткашларига бошқа массивлардан қўшимча ерлар ажратиб бериш даркор. Шуни унутмаслик лозимки, шахсий томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун қўшимча капитал маблағлар шарт эмас.

Агар биз республика областлари ва регионлари бўйича томорқа ҳажмини қайта кўриб чиқиб, жамоат ерларидан қўшимча тахминан 200 минг гектар майдон ажратсак, жами шахсий хўжаликларнинг ер майдони 400 минг гектарга етади. Шунда гектар ҳисобига томорқалардан олинаётган ҳосилдорлик илгариги даражада қолганда ҳам маҳсулот етиштириш икки баробар кўпаяди. Жамоат секторида эса бир мунча камаяди. Аммо барча категориялардаги хўжаликларни қўшиб ҳисоблаганда маҳсулот етиштириш 20 процент ортади. Бу катта резервдир. Характерли томони шундаки, қўшимча етиштирилган маҳсулот албатта бозорга чиқарилади. Бозорда мева, сабзавот кўп бўлса, аҳоли турмуш даражасига ҳам, нархновога ҳам таъсир этмай қолмайди.

— Шахсий ёрдамчи хўжаликларни тараққий эттириш, уларнинг мамлакат озиқ-овқат фондига қўшадиган ҳиссасини янада кўпайтириш учун давлат томонидан ёрдам бўлиши, бу йўлда айрим муаммоларни ҳал этиш керакка ўхшайди.

— Албатта. Бусиз биз қўяётган масалани ижобий ҳал этиб бўлмайди. Масалан, колхоз ва совхозларнинг деҳқончилик қилинадиган майдонлари қатъий ҳисобга олинган. Агар бу ерларнинг бир қисми қишлоқ меҳнатчиларига бўлиб бериладиган бўлса, хўжалик бўйича маҳсулот тайёрлаш планини камайтиришга тўғри келади. Юқори органлар эса планни камайтиришга рухсат беришмайди. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларда минглаб одамлар томорқа участкаси олиш учун бир неча йиллардан бери навбат кутиб туришибди. Боз устига илгари таъкидлаганимиздек, мавжуд шахсий хўжаликлар ер майдонлари жуда оз.

Муаммони ҳал этишнинг оқилона йўли шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштириладиган ва реализация қилинадиган маҳсулотни давлат буюртмаларига қўшишдир. Ана шунда ҳам томорқа хўжаликлари имкониятлари самарали фойдаланилади, ҳам хўжаликларнинг давлат планлари ошириб бажарилади. Бунинг учун, аввало, аҳолидан ортиқча маҳсулотни қабул қилиб олиш, уларга ҳақ тўлаш системасини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Республикамизда жуда кўп пенсионерлар, уй бекалари, кўп болали оналар, инвалидлар ва жамоат ишида қатнашмайдиган кишилар бор, деб айтдик. Ҳозиргача улар фойдали меҳнат билан шуғулланмайди, деб келинарди. Аслида улар шахсий томорқа хўжаликларида ишлашади, эл фаровонлиги учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришади. Демак уларнинг меҳнатини, айниқса, уй бекалари, кўп болали оналар меҳнатини иш стажига ҳисоблаш ва уларга барча социал имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш лозим. Маъмурий органлар томорқада етиштирилган маҳсулотни ташиш ва сотиш бўйича барча чеклашларга барҳам беришлари, аксинча шахсий хўжалик эгаларига бу борада кўмаклашишлари даркор.

Ҳозир колхоз ва совхозларда жуда кўп техника мавжуд бўлсада, шахсий хўжаликларда иш асосан қўлда бажарилади. Менимча республика машинасозлик заводларида томорқаларда ишлатиш учун кичик ҳажмли, арзон ва қулай бўлган техника воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда бошқа республикалардан келтириб сотишни йўлга қўйиш шахсий хўжаликлар самарадорлигини ҳамда меҳнаткашлар манфаатдорлигини оширади.

Бундан ташқари, одамларда томорқа хўжаликларида янада кўпроқ маҳсулот олиниши, моллар маҳсулдорлигини ортишини таъминлайдиган илмий тавсиялар етишмайди. Юқори самарадорликни таъминлаётган шахсий хўжаликлар тажрибасини кенг пропаганда қилиш ва оммалаштиришни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Кўпинча шахсий хўжаликлар таъминотида танқисликлар учрайди. Давлат агросаноат комитетининг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари уларга ҳар тарафлама, самимий ёрдам беришлари, техника, ўғит, уруғлик, кўчат, наслли қорамол, қўй-эчки, билан кўмаклашишлари даркор. Ана шунда шахсий томорқа хўжаликлари маҳсулоти тез ортиб, эл дастурхони яқин орада янада тўкин, мўл-кўл бўлиши шубҳасиздир.

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири К. РИХСИЕВ олиб борди.

• САНЪАТ ОЛАМИДА





«АЙТИС»

Аскиячилар, сўз усталарининг ижодий мусобақасини қозоқчада шундай дейишади.

Ана шундай кўрик куни кеча Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройида ниҳоясига етди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ва Қозоғистон телевидениеси ташаббуси билан уюштирилган бу айтис III Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасида ўтказилди. Унда икки қардош республикадан йигирмага яқин оқин иштирок этди.

Ижодий мусобақа қатнашчиларини Ўзбекистон ССР маданият министри ўринбосари Р. Нишонова, Ўзбекистон ССР халқ шоири Туроб Тўла ва бошқалар қизғин табриқладилар. Шундан сўнг саҳнага оқинлар таклиф қилинди. Залга йиғилган адабиёт ва санъат, халқ ижоди мухлисларида, айниқса, А. Манапов, А. Қалибекова, А. Жонқулиев, А. Ескаров, К. Амаровларнинг чиқишлари илиқ таассурот қолдирди. Улар доира, дўмбира жўрлигида гоҳ назмда, гоҳ насрда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Оқинлар, терма ижрочилари ва созандаларнинг бу самимий баҳсини филология фанлари доктори, профессор Р. Бердибоев бошчилигидаги нуфузли жюри баҳолади. Ғолибларга диплом, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Халқ ижодиётининг ажойиб жанрларидан бўлган айтишнинг аҳамияти катта, — дейди чимкентлик оқин Мейрбек Бекбоев. — Биринчидан, бу ижодий мусобақа қадимий анъаналарни янада активлик билан давом эттиришга, тиклашга хизмат қилади, бу соҳа билимдонларининг тажрибаларини ўрганишда, ўзлаштиришда ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Иккинчидан, икки қардош республика маданият ходимлари, хусусан, халқ ижодкорлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликларни янада кучайтириб, мустаҳкамлайди. Қолаверса, бу ижодий баҳс мамлакатимизда халқ ижодиётининг йилдан йилга равнақ топиб бораётганлигини рўй-рост кўрсатувчи кўзгу сифатида қимматлидир.

Ў. ТОҲИРОВ.

СУРАТЛАРДА: «Айтис» ижодий мусобақаси қатнашчилари.

И. ЯРУЛИН фотолари.

Тошкентда ва Олмаотада

Бош соврин яна ўзбек спектаклига

Қирғизистон пойтахти — Фрунзе шаҳрида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг «Наврўз-89» фестивали ўз ишини якунлади.

Анъанага мувофиқ, бу галги иккинчи фестиваль Олмаотада бўлган биринчи ижодий мусобақада ғолиб деб топилган «Майсаранинг иши» спектакли билан очилди. Ўн кун давомида қирғизистонлик томошабинлар, регион театршунослари, уларнинг Москвадан келган ҳамкасблари ва меҳмонлар рангбаранг спектакларни кўрдилар. Фестивалда республикаларда энг сара саҳна асари деб эътироф этилган спектакллар намойиш қилинди. Қозоғистон ССР Жезқозғон область театрининг машҳур қозоқ эпосига янгича театр услубидан келиб чиқиб ёндашилган «Қиз Жибек» спектакли, Тожикистон ССР Кўлоб область Вализода номидаги театрнинг қайта қуриш руҳидаги, халқона оҳангларга бой «Фишор» музикали ривоят-спектакли, Туркманистон ССР экспериментал ёшлар театр студиясининг А. Платонов асари бўйича ишланган «Жон» философик-социал драмаси шундай асарлардандир. Фестиваль мезбонлари иккита спектакль кўрсатишди. Булар Иссиққўл область театрининг Ч. Айтматов асари асосида яратган «Қиёмат» ҳамда Ўш область театрининг Н. Лесков повести бўйича инсценировка қилинган «Мцен уездидаги Макбет хоним» спектакллaридир.

Республикамиз номидан эса Фарғона область театрининг драматург Шароф Бошбеков пьесаси асосида саҳналаштирилган «Темир хотин» комедияси намойиш этилди. Режиссёр Олимжон Салимов раҳбарлигида қўйилган ушбу спектакль кўтариб чиққан муҳим социал муаммоси ҳамда мавзуи билан кўрик қатнашчилари ва мутахассислар эътиборини ўзига қаратди. «Темир хотин» фестиваль жюриси томонидан юқори баҳоланиб, энг яхши спектакль деб топилди ва Бош соврин билан тақдирланди. Спектаклда бош қаҳрамон — Кўчқор ролини малакали ижро этган актёр Муҳаммаджон Юсупова «Энг яхши эркак роли учун» ҳамда Аломат образини чиройли талқин қилган Шоҳида Узоқовага театр танқидчиларининг энг ёш ижрочилар учун таъсис этилган «Умид» соврини топширилди. Жюри раиси Николай Мирошниченко «Темир хотин» пьесасини ўзи редакторлик қилаётган «Современная драматургия» журналида чоп эттиришларини маъқуллаган ҳолда эълон қилди.

Олмаотада эришилган ютуқ Фрунзеда яна қўлга киритилди. Учинчи фестиваль ҳам Ўзбекистон театрида саҳналаштирилган спектакль билан очиладиган бўлди.

О. ТОЖИБОЕВА.



Отажон ХУДОЙШУКУРОВ:

Қалб тўридан чиққан қўшиқ сиз учун!

Яқинда редакциямизда ижодий учрашувда иштирок этган ижобий санъаткор, Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, Татаристон АССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Отажон Худойшукуров халққа маданий хизмат кўрсатиш мавзуи ҳақида сўз кетганда ҳамма вақт меҳнат кишилари билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиб келаётганлигидан фахрланиб гапирди. Айни кунларда дала меҳнаткашлари бошига тушган оғир ташвиш хусусида тўхталиб, шундай деди:

— Табиат халқимизни кўп бор синовдан ўтказган.

Шу боисдан тушкунликка тушмай, табиат қинғирлигига ўзининг мустаҳкам, енгилмас иродасини рўбарў қилиб, олис далаларда меҳнат қилаётган замондошларимизга — пахтакорларга, чорвадорларга, ғаллакорларга, сабзавоткорлару боғбонларга шундай демоқчиман: қалбимиз тўридан чиққан энг сара қўшиқлар сиз учун, биз сизнинг ёнингиздамиз, сизга хизмат қилишга отланганмиз.

Эртага Хоразм областига жўнаб кетяпман. У ерда ташаббускор меҳнати, фидокорликлари билан довруғ таратган «оқ олтин» ижодкорлари, чорвадорлар ва маданият ходимлари даврасида концертлар берамиз. Ижодий сафарга бир нечта янги қўшиқ билан боряпман. «Аёлга мақтов», «Эҳтиром» (Омон Матжон шеърлари асосида) ашулалари ана шундай асарлардандир. Гастроль вақтида жамоатчилик ишларимни давом эттирмоқчиман. Ғалаба байрами куни Урганч районида «Ёшлик» номи билан боғ очилади. Шу районда тузилган «Боғолон» ҳаваскорлик ансамблига оталиқ ёрдами кўрсатамиз. Янги қўшиқларимиз премьералари боғ ташкилотчилари ва урганчлик пахтакорлар даврасида бўлади. Гастроль кейинчалик она воҳамиз Қорақалпоғистонда давом этади.

Куй ва қўшиқларимиз билан халқимизга мададкор бўлсак, унинг руҳини кўтарсак, ўзимизни бахтиёр санъаткорлар деб биламиз.

Америка қўшиқчисининг ҳиммати

Шу йилнинг март ойида Америка Қўшма Штатларининг Лос-Анжелос шаҳридан Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган қўшиқчи Эд Маккой — Малик Ахтар Одилнинг концертлари ҳақида хабар қилинган эди. Санъаткор мамлакатимиз бўйлаб сафарини ниҳоясига етказиб, юртига жўнаши олдидан отабоболарининг қадимий диёри — Ўзбекистон учун ҳиммат кўрсатди. Санъаткор Самарқанд шаҳрида хайрли ишларни амалга ошириш учун беш минг сўм армуғон этди.

Шу муносабат билан америкалик санъаткорнинг концертларини уюштирган Ўзбекистон Маданият фонди раисининг биринчи ўринбосари Т. А. Турғунов қуйидагиларни маълум қилди.

— АҚШ қўшиқчиси, ўзбек ватандошимиз Эд Маккой — Малик Ахтар Одилнинг хайрияси лутфан қабул қилинди. Меҳмон сафари чоғида Самарқанд обидаларини қизиқиш билан кузатиб, яхши ният изҳор қилган эди. Унинг хайрия пуллари Самарқанд шаҳридаги Тинчлик музейи фаолиятини яхшилашга ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Абдуғаффор Ҳаққулов раҳбарлигидаги қадимий обидаларни таъмирлаш устахонаси ишларини ривожлантиришга сарфланади.

Самарқанддаги Тинчлик ва бирдамлик музейи жаҳонда ягона бўлиб, у жамоатчилик асосида тузилган. Унда 50 мамлакатдан олинган 10 мингдан зиёд буюм сақланмоқда. Ўзбек таъмирловчи усталари Регистон, Девонбеги ва бошқа ноёб архитектура ёдгорликларини тикладилар.

А. ПЎЛАТОВ.



СУРАТДА: «Темир хотин» спектаклидан бир кўриниш. Аломат ролида Ш. Узоқова, Кўчқор — М. Юсупов.

К. РОМЕЕВ фотоси.

СЕНИНГ ЁДИНГ БИЛАН...

Афғонистонда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Одилбек Тожибоев хотирасига



Адирлар, қирлар, тоғлар бағрида лола ғулханлари ёнди. Она юрагидаги соғинч худди чечаклардай бодраб уйғонди, унинг кўксини доғлаб ётган армонлар яна тилга кирди, кўз ёшларга айланди. Усрук кўзларидан томган аччиқ ёшлар уни яна ўша таниш, ўша қадрдон, ўша қатнайвериб, тиз чўкавериб, бош қўявериб муқаддас саждагоҳга айланган жойга — марҳумлар оромгоҳига етаклади. Ёқутхон ая одати бўйича аввал бир тутам лолани бағрига босганча ўғли ётган уйнинг остонасига тиз чўкди. Кейин деворда осиғлиқ турган ўғлининг катта суратига термулди. Лаблари яна ўша юракни тирнагувчи сўзларни шивирлади. «Болам, барвақт ташлаб кетдинг, мени! Отанг ташлаб кеттани озмиди... Лекин мен токи борман, сен ҳам борсан, болам. Сен ёш кетдинг, жуда ёш ерга кирдинг. Ҳаёт шунчалар шафқатсиз-ки... Мана, яна қабринг устидаги чечакларни кўз ёшларим билан суғоргани боряпман»...

Шу чоқ қўшни боғдан мусиқий бир оҳанг эшитилди. Она кўз ёшларини артиб ҳовли юзига тушди, сеҳрлангандай туриб қолди:

Бешиклар тебранар... айланар курра,
Оналар кўзининг нурига ўраб,
Дунёни асрарлар, ўзлари нураб,
Нотинч бу заминнинг оромин сўраб,
Она юрагини қўриқланг.

Ёқутхон ая кўксида кўчкин кўчгандай бўлди. Ана шундай дард билан, кўзоқлари тўла кўз ёшлари билан қабристонга йўл олди. Мармар тошлар... гунг, соқов, совуқ тошларга бош қўйди. Қабр бошидаги наргиз гулларига термулди.

Ҳикоямизни шу ерда тўхтатиб куни кеча Челябинск шаҳрида истиқомат қилувчи милиция майори Александр Петрович Головкодан Андижон ички ишлар бошқармаси сиёсий бўлимига келган бир мактуб ва шеър билан сизларни таништирмоқчимиз. «Бизнинг группамиз шаҳар территориясига яқин ерга жойлашган эди. — деб ёзади у. — 1984 йилнинг 24 февралида Ҳирот шаҳрининг Саржангал қишлоғига яқин бўлган қисмида душман пистирмасига дуч келдик. Энг яқин дўстим Одилбек ана шу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Андижонда унинг онаси, хотини ва икки ўғли қолган. Биламан, ҳозирги қайта қуриш жараёнида сизларнинг юмушингиз етарли. Лекин хизмат, юмуш дея энг муҳим нарсаларга бепарволик, лоқайдлик билан қаралмаса, деб қўрқаман. Сизлардан илтимосим шуки, ҳар йилнинг 24 февралида Одилбек хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этсангизлар. 1989 йилнинг 24 февралида ҳам унинг вафот этганининг 5 йиллигини нишонлаб қўйсангиз. Бу қайғули иш албатта, лекин зарур. Унинг қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдирсангиз дейман...

Ўша куни туни билан ўтириб шеър ёздим. Мен Афғонистонгача ҳеч қачон шеър ёзмаганман. Одилбекка бағишланган шеъримни Сизлар ҳам ўқиб кўринг. Балки у мукаммал эмасдир. Лекин ўзбек биродаримга бўлган меҳримни мен ана шундай ифодалашни истадим:

Қутурган бўрон,
Поймол қилди тўсатдан...
Гузорнинг ям-яшил ўтлоқларини
Инжил, Сивушаннинг қишлоқларини
Уйларини, деворларини
Душманнинг ҳужуми
Айлади поймол,
Ҳирот, Қандаҳорнинг
Йўллари вайрон.
Ўқ ёғилар дўлдай,
Омонлик йўқдай.
Саржангалнинг кўм-кўк водийларини,
Дағал машиналар янчдилар буткул,
Темир оёқлари билан топтади.
Ҳаммаёқда даҳшат, ваҳима қутқу,
Отишмалар, ўқлар, даҳшат ёғилди,
Ҳаво заҳарланди, бузилди йўллар,
Хазон бўлди эсиз, азиз умрлар.
Душман жазавага тушди бутунлай
Зулмат, қасос ичра бўғилар Ҳирот,
Гуноҳсиз қурбонлар, не азиз жонлар...
Оллоҳ, сен гувоҳсан, гувоҳсан, ҳайҳот
Сиз ҳам билиб қўйинг, азиз инсонлар!

Майор А. П. Головко
Челябинск шаҳри».

Александр Петровичнинг чин юракдан ёзган мактуби, самимий шеъри Одилбек хизмат қилган Андижон ички ишлар бошқармасининг ходимлари юрагидан чуқур жой олди. Мактуб ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Кенг, катта залга ички ишлар бошқармаси ходимлари, Одилбекнинг қариндош-уруғлари, дўстлари, шунингдек Афғонистондан қайтиб келмаган ва келган йигитларнинг ота-оналари тўпландилар. Бу маросимга махсус тайёргарлик кўрилди. Одилбекнинг жанговар ҳаётига доир маълумотлар яна тилга кирди. Унинг хизматдош дўстлари йигитнинг фазилатлари, одамийлиги ҳақида тўлиб-тошиб сўзладилар.

Одилбек Афғонистонга интернационал бурчини адо этиш учун ихтиёрий равишда жўнаб кетган эди. У Афғонистон Ички ишлар министрлиги қошидаги СССР Ички ишлар министрлигининг махсус отрядида хизмат қилди. Дарий тилини яхши билгани учун у ерда 1983-1984 йиллар орасида таржимонлик билан шуғулланди. Халқнинг урф-одатларини ўрганди. 30 дан ортиқ жанговар операцияларда, 45 га яқин ҳаво ва қуруқликдаги жангларда қатнашди. Ўзининг разведкачилик фаолиятида қўпорувчиларнинг 68 яширин жойларини фош этди. СССР Ички ишлар министрлигининг ишончли вакили сифатида у ўз вазифасини сидқидилдан, малакали адо этди.

Одилбек 1983 йилнинг сентябрида Ҳирот яқинидаги Чорбурчак қишлоғида жойлашган душманнинг катта қурол-аслаҳа омборини қўлга олиш учун тузилган группага раҳбарлик қилди. Октябрда эса жанговар группа составида душман қўлига тушиб қолган совет ҳарбий жангчиларини озод қилишда иштирок этди. Оловли жанглар ичида бўлди. Бир неча бор яраланди. 1984 йилнинг 24 февралида О. Тожибоев машинада кетаётиб Ҳирот яқинидаги душман пистирмасига дуч келди. Уларнинг 3 та нуқтасини йўқ қилди. Ўзи ҳам оғир яраланиб, ҳаётдан кўз юмди. Одилбекнинг шахси ва унинг жанговар фаолияти ҳақида Афғонистонда бир неча йил хизмат қилган врач, жарроҳ Мунаввара Маткаримова шундай ҳикоя қилади:

«1983 йил апрель ойининг ўрталари эди. Мен ўша куни госпиталда навбатчи эдим. Ҳирот вилоятидан ярадорларни олиб келишди. Биз операциядан чиқаётган эдик. Шу пайт мени қабулхонага чақиришди. Қабулхонада бўйдор, қорачадан келган, истараси иссиқ, елкадор йигит билан рентгенолог-врач кутиб туришарди. Аниқланишича, бу йигит чамаси уч кунлар олдин Ҳиротда юз берган ҳарбий операцияда иккита БТР орасида қолиб жароҳатланган экан. Оғриқ кучайиб, нафас олиши қийинлашиб, қон тупура бошлаган. Шундан сўнг афғон врачи уни совет госпиталига йўллаган. Бемор мен билан ўзбекча саломлашди. Бу йигит Одилбек Тожибоев эди. Хорижда учрашиб қолиш иккимиз учун ҳам катта қувонч бўлди. Жароҳатини кўриб, унга госпиталда ётиб даволаниш кераклигини айтдим. Шунда Одилбек вазият жуда жиддийлигини, шу кунларда катта босмачилар тўдасини қўлга олиш операцияси кутилаётганини, унда қатнашиши шартлигини айтиб, дори-дармон ёзиб беришимни қаттиқ талаб қилди. «Қўйсангиз-чи, эр йигит учун шу ҳам жароҳатми? Тузалиб кетади» деб, керакли дори-дармонларни олиб, ҳарбий қисмга қайтиб кетди.

Шу йилнинг августида Одилбек иккинчи марта оёғидан яраланиб, госпиталимизга келиб тушди. Бир ойга яқин даволаниш жараёнида мен бу йигитнинг ички дунёсини яхшироқ билдим. У афғон тилида бемалол суҳбатлашаоларди. Ўзбекистонда миллий кураш бўйича ўтказилган спорт мусобақаларида бир неча бор ғолиб бўлган, моҳир спортчи ҳам эди. У афғон халқининг мусибатини худди ўз ака-укасининг мусибати деб биларди. Шунинг учун ҳам у ўзини аямасди.

Унинг жасоратлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен сизга Одилбек ҳаётидаги энг сўнгги кунни сўзлаб бермоқчиман. Жума куни эди. Одилбек хизмат юзасидан: ўқ-дори, усти-бош, озиқ-овқатлар олиш учун ГАЗ-66 машинасида дивизияга келиб, йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўрашиш учун бизнинг госпиталга кирди. Анча кеч бўлиб қолган эди. Шунинг учун йўлга чиқмасликни маслаҳат бердим. Чунки шу кунларда ўша районда жуда кўп пистирмалар қўйилиб, маҳаллий босмачилар афғон зиёлиларини ўлдириб кетишаётганди. Лекин Одилбек «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди» деди-да, кулиб чиқиб кетди. Бу бизнинг сўнгги учрашувимиз бўлди. Эртасига хунук хабар эшитдик...

Бу мудҳиш воқеага ёлғиз гувоҳ бўлган шофернинг айтишига қараганда, улар йўлда — Ҳирот яқинида пистирмага дуч келишган. Одилбек чап ўпкасидан ўқ еган. Лекин у ўзини йўқотмай, қонни тўхтатиш мақсадида машина ўриндиғига қаттиқ суяниб, отишни давом эттирган. Шу пайт эшик очилиб кетиб, яна битта ўқ унинг ўнг оёғидаги қон томирини тешиб ўтган. Қон отилиб кета бошлаган. Лекин у ўзига ўзи ёрдам бериш — бармоғи билан босиб қонни тўхтатиш ўрнига, шу пистирмани ёриб чиқиб кетиш ниятида яна бор кучини тўплаб курашни давом эттиради. Энг хавфли зонадан чиққан пайтда... Ёрдамга етиб келган Ҳирот полкининг командири майор Абдураҳмон ака уни қўлига олганда бошини бир кўтариб, гапирмоқчи бўлган-у, лекин...

Бизнинг диёримизда дўстлик, биродарлик ҳамиша ардоқда. Мен бунга яна бир бор амин бўлдим. Челябинсклик Александр Петрович ўзбек биродари Одилбек билан бирга жанг қилди. У дўстининг энг сўнгги йўлга ҳам бирга кузатди. Андижонга келди. Мотам маросимларида иштирок этди. Унинг қабри устида бош эгди, тиз чўкди... То ҳанузгача у Ўзбекистон билан алоқасини узган эмас. Жангда йўқотган биродарининг оиласига, у ишлаб кетган ташкилотга мактублар йўллаб туради. Биз бундай меҳрни, мурувватни қадрламоғимиз зарур».

Ўзининг интернационал бурчини аъло даражада адо этгани, хизмат чоғидаги қаҳрамонлиги ва жасурлиги учун Одилбек Тожибоев СССР Олий Совети Президиумининг 13 август 1984 йил фармони билан (ўлимидан сўнг) Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Инсон қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Лекин инсон қаҳрамонларча ҳалок бўлиши мумкин. Александр Петровичнинг мактуби муносабати билан ташкил этилган мотамсаро кечада ўнлаб, юзлаб Одилбекдек қаҳрамон ўғлонларнинг шанига қўшиқлар айтилди.

Бир дарёга уланмаган ирмоқлар,
Бир қиз сочин силамаган бармоқлар,
Бир тупроққа тўкилган қизғалдоқлар,
Бевақт қурбон бўлиб кетган ўғлонлар.
Ҳиндиқушдан таралади бир нола,
Юракларни титратади бир вола.
Қаранг, қонга ботиб ётар бир дала,
Мангу армон бўлиб кетган ўғлонлар.

Ўша куни Одилбекнинг қабри гулларга тўлиб кетди. Қабр бошига бир қучоқ лола кўтариб келган Ёқутхон ая йиғидан қизарган кўзлари кимларнидир излар, жовдирар, кимларгадир интиқ боқарди. Ана улар! Келини Гулгуной. Уни ҳам айрилиқ дарди олиб келган бу ерга. У ҳам йиғлаган, қабр тошларига бош қўйиб бўзлаган. Суюкли ёрини излаган. Ўғиллари Ойбек билан Юсуфбекни меҳр пардасида авайлаб ўстираётир. Отасига ўхшасин, эл-юртини ардоқлашни ўргансин, дейди Гулгуной. У умр йўлдошининг азиз хотирасига гард юқтиришни истамайди. Унинг қўлларида лола, юрагида нола. Қабристон — марҳумлар мангу уйқуга кетган жой. Бу ерда одамлар азиз инсоннинг азиз хотираси учун бош эгадилар, кўз ёши тўкадилар. Бу ерга ирмоқ бўлиб келганлар дарё бўлиб қайтиб кетадилар. Бу ерга тош бўлиб келганлар, меҳридарё бўлиб чиқиб кетадилар. Ёқутхон аянинг бардошлари тоғлар каби мустаҳкам эди. Лекин ҳозир у қабристонда набираларини кўрди-ю, ўзини йўқотди. У дарахтга суяниб турган келини ёнидаги набираларига талпинди. Боласининг болалари, жигарпоралари улар. Ёқутхон йиғлаб туриб набираларини бағрига босди, энтикди, юраги тўлиб кетди яна... Ўша куни қабристонга тумонат одам йиғилди. Одилбекнинг сафдош, қуролдош дўстлари, қариндош-уруғлари, фарзандлари интернационал бурчини адо эта туриб ҳалок бўлган мард йигитнинг порлоқ хотирасини улуғладилар. Ёшлар қасамёд қилди. Кексалар эл, юрт тинч бўлсин, дея орзуда бўлдилар.

Гулгуной Андижондаги 3-туғруқхонада ординатор врач бўлиб ишлар экан. У Одилбекни севиб турмуш қурганини айтди. Худди мана шундай баҳор тўлишган, табиат гуллари яшнаб кетган чоғларда тўйлари бўлган экан. Икки фарзанд муҳаббатнинг икки тотли меваси янглиғ дунёга келибди. Улар бахтиёр яшаётган эди. Улар дунёда армон деган сўзлар, мана бундай бевақт ўлимлардан бехабар эдилар.

— Ошни эндигина дамлаган эдик, афсус, насиб этмади, — деди Гулгуной. — 29 ёшимда тул қолдим. Давлат уй берди. Уйларим яхши, нолимайман. Ойлигим етарли. Болаларим боғчада. Нафақа олиб тураман. Давлатимиз, халқимиз бизни унутмаётганидан, мадад қўлларини узатаётганидан хурсандмиз....

Умр йўлдошининг порлоқ хотирасига содиқ аёл бизга Одилбек билан бирга яшаган дамларидаги энг тотли, мазмунли дамлар ҳақида ҳикоя қилди. Гулгунойга сабр, бардош, фарзандларига камол тилаймиз.

Ватанни она деб улуғлаймиз. Унинг хоки-ғуборини кўзга суртамиз. Ватан дея ҳалок бўлган йигитларимизнинг табаррук қони, азиз ёдини юраклар тўрида асраймиз. Ватан тупроғида ётган шаҳид йигитларнинг ёди, хотираси олдида бурчлимиз. Бизнинг меҳримиз, мурувватимиз улар юриб ўтган йўлларга тўшалсин. Улар ўтган йўлларда ёру-биродарлар, қуролдош дўстлар, қавму-қариндошлар учрашиб турсин. Токи бу йўлларни ўтлар босмасин.

— Одилбек Тожибоевнинг хотираси юрагимизнинг тўрида, — дейди Андижон ички ишлар бошқармасининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари М. Шамсиддинов. — Биз унинг номини абадийлаштириш мақсадида шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилдик. Шаҳар кўчаларидан бирини қаҳрамон жангчимизнинг номи билан аталишини сўрадик. Мана, орадан 5 йил ўтди. Бирорта кўча ҳанузгача Одилбек номига қўйилмаганидан ранжидамиз. Лекин биз қўл қовуштириб ўтирмоқчи эмасмиз. Негаки, одамлар ўз қаҳрамонларини ҳеч қачон унутмайдилар. Уларни унутиш мумкин эмас.

Эътибор ОХУНОВА.

● МУРОСАСИЗЛАР СИГНАЛИ

Бу нима ўзи?

«Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 14-цехининг механика участкасидаги хоналардан бирининг эшигида қачон қарасангиз қулф осиғлиқ. Эшик, эшитишимизча, иш вақтидан кейингина очилар эмиш. Аммо заводимизга меҳмонлар, аллақандай комиссия келгандагина ўша эшик очиқ турганига гувоҳ бўлганлар бор.

Ишчилардан сир тутиб келинган бу хона техника-технология учун асқотадиган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ундан амалда деярли фойдаланилмайди.

Ишчиларда норозилик туғила бошлади:

— Бу хона қачонгача банд этилиб, бўш ётади? Бунинг ўрнига дам олиш хонаси қилинса бўлмасмикин? Негаки, ишчилар кирмасин, иш кийимлари билан кресло, диванларни ифлос қилишади, деб хонани тушлик маҳали ва сменалар алмашаётган пайтда атайлаб қулфлаб қўйишади.

Яхши ниятда қурилган учта саунадан атиги биттаси ишлаяпти. У ишчилар эҳтиёжини мутлақо қондирмаяпти.

— Юзаки қараганда ишчиларга қулайликлар жойида, — деди цех бошлиғи И. Е. Колтун. — Бироқ номигагина эшик очишнинг кимга кераги бор. Бизга амалда ишчи кайфиятини кўтаришга, иш фаолиятини оширишга кўмаклашадиган воситалар керак.

С. ДРОЗДОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

● ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

Андижондаги «СССР халқлари дўстлиги» стадионида чим устида хоккей бўйича эркаклар ўртасида мамлакат чемпионатининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Майдон эгалари — «Звезда» спортчилари Украинанинг Васильков шаҳрининг «Искра» командаси билан икки марта учрашдилар. Иккаласида ҳам ғолиб чиқдилар. Кейинги икки ўйин Олмаотанинг «Динамо» хоккейчилари билан бўлди. Маълумки, олмаоталиклар мамлакатнинг бир неча бор чемпиони бўлишган. Шу боис матчлар ниҳоятда қизғин вазиятда ўтди. Иккала учрашувда ҳам бир хил ҳисоб — 1:1 қайд этилди. Ҳозирча андижонликлар 6 очкога эга. Олмаоталиклар ҳам шунча очко тўплашди. Улар Фарғонада маҳаллий «Химик» устидан икки марта ғалаба қозонишган эди.

● ВОЛЕЙБОЛ

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Нукусда волейбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Мусобақанинг сўнгги кунида ўтказилган ўйинда ғолиб аниқланди. Фарғоналик волейболчилар учала партияда тошкентлик рақиблари устидан дадил ғалабага эришдилар. Учинчи ўринни қорақалпоғистонлик спортчилар эгаллашди. Уларнинг бу ютуғини табриклаш лозим. Чунки, нукусликлар биринчи марта республика биринчилиги совриндорлари сафидан жой олишди.

● ФУТБОЛ

ЯНГИ МУСОБАҚА

Ўзбекистон касаба союзлари физкультура ва спорт кўнгилли жамияти Совети янги мусобақа ташкилотчиси бўлди. Унда шаҳар ва қишлоқ физкультура коллективларининг 26 та командаси стартга чиқди. Шунга қарамай, нима учундир, уларда Хоразм ва Бухоро областлари командалари иштирок этишмаяпти.

Ўйинлар икки даврада ўтказилади.

Икки турдан сўнг пешқадамлар аниқланди. Биринчи кичик группада Сирдарё областидаги Ворошилов номли совхознинг «Арнасой», иккинчи кичик группада эса Шерободнинг «Техник» командалари жадвални бошқаришяпти.

● БЎЛАЖАК ЖАНГЧИЛАР УЧУН

ДАРС ЛАГЕРДА ЎТАДИ

Чимён тоғидаги Сойлиқ қишлоғида юқори синф ўқувчилари учун спорт лагери очилди. Лагерни барпо этишда Ўзбекистон пойтахтидаги саноат корхоналари маблағ ўтказиб, қурилишнинг ўзида бевосита қатнашди.

Ўқувчилар армия хизматига амалда тайёрланиш ва ёш жангчи курсини ўтиш имконига эга бўлдилар. Бу ерда машғулотларни запасдаги офицерлар олиб боришади.

ОБ-ҲАВО

7—10 май кунлари республика областларида ҳаво ўзгариб туради. Шарқ томондан секундига 7—12 метр тезликда шамол эсади. Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм ва Самарқанд областининг шимолий районларида 8-9 май кунлари момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Ҳарорат кечаси 9-14 кундузи 19-24 даража бўлади. 7 ва 10 май кунларида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат бироз кўтарилиб, 25-30 даражага етади. Тошкент, Сирдарё, Бухоро ва Самарқанд областининг жанубий районларида 9 май куни момақалдироқ бўлиб қисқа муддатли ёмғир ёғади. Бошқа кунлари айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража, 9-10 май кунлари 21-26 даража бўлади. Республиканинг бошқа областларида деярли ёғингарчилик бўлмайди, ҳарорат Фарғона водийси областларида кечаси 8-13, кундузи 22-27, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

8 май, душанба

УзТВ-I 10.00 Ҳаёт ипи узилмасин. 11.00 Концерт. 12.00 Адабий композиция. 12.30 «Оркестр билан катта кўча бўйлаб». Бадиий фильм. 14.00 Ҳужжатли экран. 15.00 Ешлик. 18.00 Мультфильм. 18.10 Бойчечак. 18.40 Концерт. 20.00 Ахборот. 20.15 Пиллачиларнинг долзарб вазифалари. 20.30 Ҳужжатли фильм. 20.45 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Майсаранинг иши» Спектакль.

МТ-I. 8.30 Янгиликлар. 8.45 Футбол шарҳи. 9.15 Мультфильм. 9.30 Сиз яратган боғ. 10.00 Концерт-очерк. 10.20 Инсон институти. 11.20 Ҳужжатли фильм. 12.10 Социализм мамлакатларида. 12.45 Шеърий композиция. 13.50 Ҳайвонот оламида. 14.50 Халқ куйлари. 15.00 Киноафиша. 16.00 Алексей Экимян. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.00 Халқаро программа. 18.10 «Сукунат». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 21.30 Время. 22.05 Солдатлар куйлаганда. 00.20 Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.50 Совет қўшиқлари тарихидан. 9.35 Мультфильм. 9.50 Классик кураш. Европа чемпионати. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.25 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.10 «Осмондан тушганлар». Бадиий фильм. 13.30 Ҳужжатли фильмлар. 14.40 «Қизил крест белгиси билан». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 17.40 Музикали абонемент. 18.25 «Ретро» Кекса ёшдагилар учун кўрсатув. 19.35 «Альп балладаси». Фильм-опера. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 ... 16 ёшгача ва ундан катталар 21.30 Время. 22.05 «Май ойи эди». Бадиий фильм. 23.55 Тинчлик велопойгаси. 00.25 Янгиликлар.

9 май, сешанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Фильм-концерт. 10.25 «Белорус вокзали». Бадиий фильм. 12.05 Бир актёр театри. 12.30 Телефильм. 13.00 Ғалаба кунига. 18.05 Мультфильм. 18.15 Буюк ғалабамиз. 18.35 Ҳужжатли фильм. 19.05 Адабий театр. «Қизлар». 19.50 Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.10 Ахборот. 20.30 Телефильм. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Ешлик.

МТ-I. 8.30 Янгиликлар. 8.45 Ҳужжатли фильмлар. 9.50 Мультфильмлар. 10.10 Концерт. 11.15 «Бугун Ғалаба байрами». 11.30 Фильм-концерт. 12.35 «Узатиб юбор». Бадиий фильм. 14.00 Ғолиблар. 15.30 «Тор оилавий доирада ўтган ғалати кеча». Телеспектакль. 17.10 Ҳужжатли фильм. 17.30 Мультфильмлар. 17.50 Фильм-концерт. 18.35 Ҳужжатли фильм. 19.25 Фашизм ва уруш қурбонлари хотирасига. 19.50 Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.10 Концерт. 20.20 «Унинг батальони». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 Время. 22.05 «Унинг батальони». Бадиий фильм, 2-серия. 23.15 Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Киноконцерт. 9.35 Шингил ҳикоялар антологияси. 10.35 Ҳужжатли фильмлар. 11.25 Болалар учун фильм. 12.30 Ҳужжатли фильм. 13.30 Концерт. 14.25 «Қиш охиридаги учрашув». Бадиий фильм. 15.45 Мультфильм. 15.55 Хоккей. Лига кубоги. Ярим финал. 18.30 Мультфильмлар. 18.55 Ҳужжатли фильм. 19.25 Камер симфонияси. 19.50 Фашизмга қарши жангларда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 20.10 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Фильм-концерт. 21.20 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Ленинград телевидениесининг программаси. 23.15 Тинчлик велопойгаси. 23.45 Янгиликлар. 23.55 Городки спорти.

10 май, чоршанба

УзТВ-I. 15.00 «Ҳамма нарсани бир лаҳзада ҳал қилади». Бадиий фильм. 16.45 Табиатшунослик. 17.15 Телефильм. 17.30 Рус адабиёти. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Камалак». 19.00 Солиқлар ҳақидаги Қонун лойиҳаси тўғрисида. 19.10 Телефильм. 19.20 Ижод саҳифалари. Э. Войнич. 20.00 Ахборот. 20.55 Эстрада калейдоскопи. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Орол яшаши керак. 23.15 «Шум бола». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 «Сукунат». Бадиий фильм. 11.10 Янгиликлар. 11.20 Бу бўлган... бўлганди. 11.40 Киноафиша. 12.40 Ҳайвонот оламида. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Телеочерк. 16.50 Онам, дадам ва мен. 17.20 Болалар соати. 18.20 Концерт. 18.30 Чехословакиянинг миллий байрами. 19.30 Мультфильм. 20.00 Инсон ва қонун. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.20 Футбол. Туркия — СССР. 24.00 Дунё воқеалари. 00.15 Эстрада программаси.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Ҳар доим бўлсин қуёш. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Немис тили. 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Онам, дадам ва мен. 11.35 Сервантес. Дон Кихот. 12.05 Немис тили. 13.05 Ритмиқ гимнастика. 13.35 Ҳужжатли фильм. 13.55 ва 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Шимолдаги район». Бадиий фильм, 7-серия. 18.30 Концерт. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Украина ССР Давлат телерадиоси. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Шимолдаги район». Бадиий фильм, 7-серия. 23.55 Ҳужжатли фильм. 23.20 Янгиликлар. 23.30 Сиз яратган боғ. 24.00 Тинчлик велопойгаси.

11 май, пайшанба

УзТВ-I. 15.00 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм. 16.25 Телефильм. 16.45 Жамиятшунослик. 17.10 Телефильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ҳамма билан бир сафда. 18.50 Музикали программа. 19.30 Озиқ-овқат программаси амалда. 20.00 Ахборот. 20.20 Ҳужжатли фильм. 20.30 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 «Женя, Женечка ва Катюша». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 «Сукунат» Бадиий фильм, 2-серия. 11.20 Янгиликлар. 11.30 Болалар соати. 12.30 Саёҳатчилар клуби. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.45 Оламда қўшиқ яшар. 17.15 Ленинни такрор ва такрор ўқиймиз. 18.00 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 Ҳокимият — Советларга. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.50 Мультфильмлар. 20.10 Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 Время. 22.05 Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. 23.35 Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 Табиатшунослик. 10.05 Испан тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35 А. Т. Твардовский. Василий Тёркин. 12.05 Испан тили. 13.05 «Шимолдаги район». Бадиий фильм. 7-серия. 13.55 ва 17.30 Янгиликлар. 17.40 «Шимолдаги район» Бадиий фильм, 8-серия. 18.30 Ҳужжатли фильм. 18.55 Бизнинг фондимиздан. 19.45 Телеочерк. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ешлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.00 Телемемуарлар. 21.30 Время. 22.05 «Шимолдаги район» Бадиий фильм, 8-серия. 22.55 Ҳужжатли фильмлар. 23.30 Тинчлик велопойгаси.

12 май, жума

УзТВ-I. 15.05 «Ҳеч ким ўлишни истамади». Бадиий фильм. 16.45 Физика. 17.15 Телефильм. 17.30 География. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.05 Чорвадор. 19.40 Деҳқон ер эгаси. 20.00 Ахборот. 20.20 Барҳаёт наволар. 21.20 Манзарали фильм. 21.30 Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ахборот. 22.35 Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг 100 йиллигига.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Унинг батальони». Бадиий фильм. 11.25 Янгиликлар. 11.35 Концерт. 12.20 Инсон институти. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Ҳужжатли фильм. 16.40 Музикали хазина. 17.30 Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.00 Интерсигнал. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Мультфильм. 19.40 Сиз бунга қодирсиз. 20.10 Телеочерк. 20.30 Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ҳужжатли фильм. 23.15 Бу бўлган... бўлганди... 23.35 Ҳужжатли фильм. 00.05 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.30 Илмий-оммабоп фильм. 9.40 ва 10.35 Тарих. 10.05 Инглиз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35 Ўқув кўрсатуви. 12.05 Инглиз тили. 13.05 «Шимолдаги район». Бадиий фильм, 8-серия. 13.55 Ритмик гимнастика. 14.25 ва 17.35 Янгиликлар. 17.45 «Шимолдаги район». Бадиий фильм. 9 ва 10-сериялар. 19.30 Молдавия телевидениесининг программаси. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Қўшиқларимиз — дўстларимизга. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Шимолдаги район». Бадиий фильм. 9 ва 10-сериялар. 24.00 Тинчлик велопойгаси. 00.30 Янгиликлар.

13 май, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Шанба экрани. 11.00 Белоруссия телевидениесининг программаси. 12.15 Спорт программаси. 13.20 Китоб дўстлари. 14.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. 15.10 Оналар мактаби. 15.40 Сайловлар олдидан. 18.05 Мультфильм. 18.15 Ўқувчиларнинг кинорежиссер Л. Файзиев билан учрашуви. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Фильм-концерт. 20.00 Ахборот. 20.20 Оламга саёҳат. 21.00 Катталар учун мультфильмлар. 21.30 Время. 22.05 Ахборот. 22.25 Концерт-очерк. 23.35 «Тошкент» студияси кўрсатади.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Уй академияси. 9.35 Йил фасллари. 10.35 Дўстлик меридианлари. 11.15 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.15 Ҳужжатли фильм. 12.25 Социализм мамлакатларида. 12.55 Мультфильм. 13.15 Халқ ижодиёти. 13.45 Бахтли тасодиф. 14.00 Шанба — ота-оналар куни. 15.30 Дунё воқеалари. 15.45 «Похол шляпа». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 17.55 Бизнинг бурчимиз. 18.40 Халқаро программа. 19.40 Аёл ҳаётидан ўн беш дақиқа. 19.55 Оила экрани. 21.30 Время. 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.25 Бахтли тасодиф. 22.40 Мультипликацияда сатира. 23.10 Телевизион танишув. 00.40 Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Жаҳоннинг йирик музейи. 10.50 «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 13.05 Қозоғистон республика кўрлар жамиятининг иши ҳақида. 13.25 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 14.55 Мультфильмлар. 15.30 Ҳужжатли фильмлар. 17.30 Ҳақиқат нима? 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Музикали абонемент. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Миллатлараро муносабатлар. 21.30 Время. 22.05 «Оқ қарғалар». Бадиий фильм. 23.50 Тинчлик велопойгаси.

14 май, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Оила даврасида. 10.40 Биргаликда куйлаймиз. 11.05 Еш спортчи мактаби. 12.05 «Огинский полонези». Бадиий фильм. 13.35 Ҳужасизликка барҳам берайлик. 14.05 Техника ижодиёти мактаби. 14.35 Дўстлик программаси. 15.35 Реклама. 18.00 Китоб бизнинг дўстимиз. 19.00 Енгил атлетика мусобақаси. 19.40 Телефильм. 20.00 Ахборот. 20.20 Рубобда Анвар Иноқов чалади. 20.30 Телефильм. 20.50 Дам олиш музикали программаси. 21.30 Время. 22.00 А. Қаҳҳор ҳикоялари асосида ҳажвий новеллалар.

МТ-I. 8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Оламга саёҳат. 13.00 Эртак ҳузурида меҳмонда. 14.35 Музикали киоск. 15.05 Очиқ эшиклар куни. 15.50 Нигоҳ. 16.45 Мультфильм. 17.15 Бутуниттифоқ гўзаллик конкурси. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 «Имкон беринг тинчликка». 19.50 Ҳужжатли фильм. 20.00 Цирк. 21.15 Салом, доктор! 21.30 Время. 22.00 Музикали ринг. 00.30 Футбол. «Шахтер» — «Спартак». 01.20 Акс садо.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.50 Мультфильмлар. 9.10 Концерт. 9.40 Ҳужжатли фильм. 10.30 Агар сиз... 11.15 Ҳужжатли фильмлар. 12.00 Концерт. 12.30 Оила муаммолари ҳақида ёшлар программаси. 13.50 Эфирда музика. 15.55 Хоккей. Лига кубоги. 18.30 Шмидт музейи. 19.00 Ешлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.15 Киносерпантин. 20.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.30 Киносерпантин. 21.30 Время. 22.00 Салом, доктор! 22.15 Киносерпантин. «Чақирилмаган меҳмон». Бадиий фильм.

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-44, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 11759. Б. — 108. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12